Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 30 (7170). ● 13 февраль, 1980 йил ◆ ЧОРШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

19 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

ЯНГИЙЎЛ шаҳар меҳнаткашлари москваликларнинг шу йилнинг 19-апрелида улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббусини бир овоздан маъқулламоқдалар. Барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда халқимизнинг бу ажойиб анъанасига содиқликни яна бир бор намойиш қилиш учун қизғин тайёргарлик бормоқда. Ишлаб чиқариш коллективлари шу куни оддий иш кунларидагига нисбатан унумли ва сифатли ишлаш режаларини тузишяпти. Махсус ташкил этилган штаблар бу муҳим кампанияга тайёргарликка раҳбарлик қилишяпти.

Шаҳардаги бошқа корхоналар қатори Янгийўл пахта тозалаш заводида ҳам москваликларнинг ватанпарварлик ташаббуси акс садо берди. Шу муносабат билан заводда кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Митинг иштирокчилари қизил шанбаликни юксак уюшқоқлик билан ўтказиш, шу куни юқори меҳнат унумдорлигига эришишга қарор қилдилар. Митингда сўзга чиққан биринчи ишлаб чиқариш бригадаси мастери А. Абдувалиев, тозалаш цехи слесари И. Бўрибоев, токарь Р. Мустафоев, жинчи С. Фаттоҳова ва бошқалар барча ҳамкасбларини шу куни оддий иш кунларидагига нисбатан кўпроқ ва аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга чақирдилар.

Завод бўйича коммунистик шанбаликда 860 киши иштирок этади.

Бундан ташқари, кенг кўламда корхона ва тайёрлов пунктлари территорияларини ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари амалга оширилади. Анчагина миқдорда металлом йиғилади.

Шанбаликда корхонада ишлаб, эндиликда кексалик гаштини сураётган ўнлаб пенсионерлар ҳам қатнашадилар. Улар ишлаб чиқаришнинг турли жараёнларини бошқарадилар, ободонлаштириш ишларини амалга оширишга ёрдам беришади.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

ТАШАББУСГА ҚАНОТ БОҒЛАБ

БУНДАН бир неча йил бурун 4-ферма коллективининг йиғилишида янгийўлликларнинг қолоқларсиз ишлаш юзасидан бошлаган ташаббусига қўшилиш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Уларнинг бу ташаббуси касаба союз ишчилар комитети томонидан маъқулланди ва партия комитети билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ишлаб чиқилди.

Тез орада бир қатор жараёнлар реконструкция қилинди. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича бир мунча ишлар бажарилди, мураббийлик ҳаракати кучайтирилди. Чорвадорларнинг 32 соатлик ўқуви ташкил этилди. Илғор сут соғувчилардан М. Арисова, А. Пономарёва, А. Бекжоновалар илғор тажрибаларини гапириб беришди.

Мазкур тадбирлар тез орада ўз натижаларини кўрсатди. 1977 йил ферма коллективи чорвачилик ва деҳқончилик бўйича барча топшириқларни зиёдаси билан адо этди. Шундан бери ҳар йили мажбуриятлар ортиги билан бажарилмоқда.

Мана бир неча йилдирки, сафимизда бирорта ҳам қолоқ йўқ. Область партия комитети бир қатор илғор сут соғувчиларнинг ҳар бир соғин сигирдан 5 минг килограммдан орттириб сут чашмаси яратиш ҳақидаги ташаббусларини маъқуллаган эди. Хўжалигимизда 32 сут соғувчи ана шу ташаббусга якдиллик билан қўшилди. Ҳозир 25 нафар илғор ўз мажбуриятини ортиги билан адо этяпти. 3 киши эса 1982 йил ҳисобига маҳсулот топширмоқда.

Хўжаликдаги цех касаба союз ташкилотлари ва касаба союз группалари илғор тажрибаларни пропаганда қилишга эътибор билан қараяпти. Илғорлар тажрибаси омманинг мулкига айлантирилмоқда.

Касаба союз комитети социалистик мусобақага оператив якун ясаб бормоқда. Мусобақа шартларига кўра ишлаб чиқариш голиби жамоат ишларида ҳам актив қатнашиши, ўз билимини ошириб бориши керак. Хўжалигимизда бундай кишилар кўплаб топилади. Масалан, сутчилик комплексининг молбоқари З. Нигматуллин коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номни оқлаб келмоқда. Унинг турмуш ўртоғи ва қизи илғор сут соғувчилардан ҳисобланишади. Ўғли эса комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи. Бу бригада коммунистик меҳнат коллективи деган юксак ном учун курашмоқда. Механизатор Э. Зекиряев «II ва III даражали меҳнат шуҳрати» орденларининг кавалеридир. У уч йилдирки, цех касаба союз ташкилотининг раиси. Ишчи-хизматчилардан А. Соҳибеков, С. Арманов, Б. Холиқулова, А. Силаев, Э. Халилов, Ж. Нурикеев каби кишилар ҳам ана шундай илғорлардандир.

Коллективимизда 250 киши коммунистик меҳнат зарбдори ёки коммунистик меҳнат коллективининг аъзосидир. 6 бригада эса ана шундай юксак ном учун курашмоқда.

Совхозимизда касб маҳорати бўйича турли конкурслар ўтказиб турилибди. Ғолиблар совхоз байроғи олдида суратга тушишади. 10 нафар илғор чорвадорнинг суратини яқинда Болгария Халқ Республикасининг Хасково округига юбордик.

Коллективимиз доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирмоқда. Бу йил 7200 тонна сут етиштиришга жазм қилдик. Бу эса ўтган йилга нисбатан 200 тонна кўп демакдир. Ҳар бир соғин сигирдан 5 минг килограммдан сут соғиб олишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Давлатга 5800 тонна сут, 650 тонна гўшт сотамиз. Гўштга топширилаётган ҳар бир қорамолнинг тирик вазнини 550 килограммга етказамиз.

Шубҳасиз бундай юксак мажбуриятларни бажаришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун илғор тажрибаларни кенг қўллаб ҳар бир сут соғувчининг ташаббускорлигига эришамиз.

А. МАКАРИМОВ,
Чиноз районидаги «Чиноз» насличилик совхозтехникуми ишчилар комитетининг раиси.

ЁШЛИК ҒАЙРАТИ

КОММУНИСТ Николай Соколов раҳбарлигидаги комсомол-ёшлар бригадаси Чирчиқ шаҳрида ўнлаб уйлар қурган. Бригада аъзолари қўлидан чиққан бундай уйларда кўплаб чирчиқликлар истиқомат қилишяпти. Бунёдкорлар меҳнатда доим пешқадам. «Чирчиқжилстрой» бошқармасининг илғор бригадаларидан бири ҳисобланади.

1978 йилнинг августида коллективни капролактам комплекси қурилишига ўтказишди. Дастлаб бригада аъзолари бироз қийналишди. Чунки, ҳар доим уйжойлар қуриш билан шуғулланган бригаданинг кўпгина аъзолари бундай мураккаб объектни бунёд этишдан хабарлари йўқ эди. Капролактам комплексининг ҳар бир объекти ўз хусусиятлари конструкциясининг турли-туманлиги, ҳар хил усулда қад кўтариши билан бир-биридан фарқ қилади. Лекин, ишга бўлган чанқоқлик, шундай улкан комплекс қурилишига ҳисса қўшиш иштиёқи улар куч-ғайратини авж олдирди. Шунинг учун ҳам дастлабки қийинчиликлар кўп ўтмай бартараф этилди. Бригада аъзолари бу ерда қатор илғор иш усулларини ўрганишди. Улар техника ҳужжатларини ўқишни билиб олишди. Қўшимча касблар ўрганишди. Бу қурилиш ишларини комплекс олиб боришда ёрдам беряпти. Меҳнат унумдорлиги ва иш сифатининг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Бригадада қўшимча касбларни ўрганишда бригадирнинг ўзи бошқаларга намуна бўлмоқда. У яна уч касбни ўрганди. Бригада аъзоларидан Юрий Косцов, Владимир Гусевлар зарур бўлиб қолса электр пайвандчилик ҳам қилаверишади.

Бригадада меҳнатни пухта ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бригадир прораб билан биргаликда қилинадиган иш режасини бир ҳафта олдин тузади. Ҳар смена охирида ҳар бир звено учун эртага қилинадиган ишлар график-топшириғини беради. Бригадир унинг бажарилишини бевосита иш жойида текшириб кўради.

Меҳнатни пухта ташкил этиш ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг яхшиланишига олиб келмоқда. Уннинчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириғи 130 процент қилиб адо этилди. Ёш бинокорлар бошқарма бригадалари ўртасида ташкил этилган мусобақада бир неча бор ғолиб чиқишди. Улар капролактам объектлари қурилишида иштирок этаётган комсомол-ёшлар бригадалари ўртасидаги меҳнат беллашувида ҳам пешқадамлик қилиб Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ва тармоқ касаба союзи Республика Комитетининг вимпелини олишга муяссар бўлдилар.

КАПРОЛАКТАМ КОМПЛЕКСИ ҚУРИЛИШИДА

Бригада аъзолари барча объектларни сифатли қурмоқдалар. Улар қўлидан чиққан маъмурий-маиший корпус, автоматик телефон станцияси, мазут хўжалиги ва бошқа объектлар яхши баҳолар билан қабул қилинди.

Аҳил ва иноқ бригада аъзолари биринчи беш йилликлар меҳнат қаҳрамонларини ўз сафларига кўшиб олишган. Леонид Ильич Брежнев ўзининг «Тикланиш» китобида қлиқ сўзлар айтган машҳур монтажчи Иван Румянцев Николай Соколов раҳбарлигидаги бригада аъзоси ҳисобланади. Иван Румянцев мамлакатимизнинг йирик қурилишларида қатнашди. У Ярославль, Горький, Запорожье шаҳарларида улкан корхоналар қурилишига ҳисса қўшди. Чирчиқ шаҳрига келиб, Ўзбекистон химия индустриясининг тўнгич корхонаси — электр химия комбинатини бунёд этишда фаол қатнашди.

— Биз Румянцев каби биринчи беш йиллик қаҳрамонлари шонли меҳнатининг ворисларимиз,— дейди бригадир Николай Соколов.— Бу донгдор монтажчи бригадамизнинг 33 аъзоси бўлиб сафимизга қўшилди. Коллективимиз ана шу ажойиб инсон ва меҳнатсевар бинокор нормасини ҳам бажармоқда. Бу ҳар биримиз учун муқаддас бурч, шон-шараф иш деб биламиз.

Ҳозирги вақтда бригада аъзоларининг кўпчилиги қозонхона қурилишида ишлашяпти. Бу улар учун энг мураккаб ва муҳим объект ҳисобланади. Уни тез ва соз қўрдан чиқариш учун бутун маҳорат ва тажрибаларини сарфламоқдалар. Ҳар бир бунёдкор нормани ортиғи билан адо этмоқда. Иван Востриков, Жўра Тўлаганов, Азиз Содиқов сингари пешқадам монтажчилар юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Улар йирик панелли темир-бетон плиталарини монтаж қилишда топширикни 1,5 баравар атрофида адо этишяпти. Бригаданинг бир группа аъзолари лаборатория корпуси қурилишини охирига етказмоқдалар. Бу икки объект графикдагидан тез қурилянти.

Лекин, бригада аъзолари ишни яна жадаллаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Капролактам комплексини тезроқ ишга туширишга ҳисса қўшиш иштиёқи шунга ундаяпти.

О. ЛЕВАК.

СУРАТДА: бригадир Н. Соколов (ўртада) бригада аъзолари билан навбатда қилинадиган ишлар ҳақида суҳбатлашмоқда.
Автор фотоси.

ЯКДИЛЛИК ВАЗИЯТИДА

Республикада сайловчиларнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар билан учрашувлари якдиллик вазиятида ўтмоқда.

219-Фориш сайлов округи сайловчиларининг шу округдан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **Асадилла Ашрапович Хўжаев** билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда сўзга чиққан нотиқлар партия билан халқнинг бузилмас бирлиги тўғрисида гапирдилар, бу йилги сайлов кампанияси бутун халқ В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига тайёргарлик кўраётган бир вазиятда ўтаётганлигини таъкидладилар. Улар меҳнат коллективларида якунловчи йил ва умуман ўнинчи беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш учун ўтказилаётган социалистик мусобақа кенг авж олдирилганлиги ҳақида гапирдилар.

А. А. Хўжаев ўзига нисбатан билдирилган юксак ишонч учун сайловчиларга миннатдорчилик изҳор этиб, халқ фаровонлиғи йўлидаги ишларим билан бу ишончни оқлайман, деб ваъда берди.

(ЎзТАГ).

А. А. ГРОМИКО ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Расмий дўстона визит билан Ҳиндистонга бораётиб Тошкентда тўхтаб ўтган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 12 февралда Деҳлига учиб кетди.

Тошкент аэропортида А. А. Громикони КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзТАГ).

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

ДЕҲЛИ, 12 февраль. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Ҳиндистон республикаси ҳукуматининг таклифига биноан бугун расмий дўстона визит билан Деҳлига келди.

Палам аэропортида уни Ҳиндистон ташқи ишлар министри П. В. Нарасимха Рао, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси Ю. М. Коронцов, Деҳлидаги социалистик мамлакатлар дипломатия ваколатхоналарининг вакиллари бор эди.

А. А. Громико аэродромда қуйидаги баёнотни берди:

Ҳиндистон ҳукуматининг таклифидан фойдаланиб яна Ҳиндистонга келганлигимдан ҳурсандман.

Ҳиндистон раҳбарлари билан бўлажак музокаралар давомида биз икки томонлама муносабатларга доир масалаларни шунингдек, Совет Иттифоқи билан Ҳиндистонни қизиқтирувчи халқаро проблемаларни муҳокама қилмоқчимиз. Бизнинг муносабатларимиз Жанубий Осиёдагина эмас, балки янада кенгроқ халқаро майдонда ҳам тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили, гегемончилик ва империалистик муддаоларга қарши ҳаракат қилиш омили бўлиб қолди.

Империализм ва реакция кучлари халқаро вазиятни, кескинликни юмшатишни ҳамда кескинлик ва хатарли муҳолифликка бориб юборишга уринаётган ҳозирги шароитда СССР билан Ҳиндистоннинг биргаликда кучғайрат сарфлаши шу вазиятни нормаллаштиришда муҳим роль ўйнай олади, деб ҳисоблаймиз.

Ҳиндистон раҳбарлари билан бўлажак учрашувлар ва фикрлашувлар совет ва ҳинд халқлари манфаатлари йўлидаги, Осиё ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги олижаноб мақсадларга хизмат қилади, деб ишонаман.

Ҳиндистон ташқи ишлар министри П. В. Нарасимха Рао Совет — Ҳиндистон музокаралари самарали бўлади ва ҳар иккала мамлакат халқларининг анъанавий дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши тўғрисида А. А. Громико билдирган ишончга тамомила қўшиламан, деб айтди.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТДА

ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Густав Гусак бошчилигида расмий дўстона визит билан Вьетнам, Кампучия ва Лаосга бораётган Чехословакия партия-ҳукумат делегацияси 12 февраль куни Тошкентда қисқа вақт тўхтаб ўтди. Делегация составида ЧКП Марказий Комитети президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг Раиси Любомир Штроугал, ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР ҳукумати раисининг ўринбосари Рудольф Роглиček, ЧКП Марказий Комитетининг секретари Иозеф Гаман, ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР ташқи ишлари министри Богуслав Хнеупек ва Чехословакия Социалистик Республикаси партия, ҳукумат ҳамда давлат органларининг бошқа ходимлари бор.

ЧССР, СССР ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Чехословакия Социалистик Республикаси президенти Густав Гусакни ва унинг ҳамроҳларини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, республика ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Х. Р. Раҳимов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ш. Р. Рашидов СССР билан ЧССР халқлари ўртасидаги мустаҳкам қардошларча дўстлик ва интернационал бирдамликнинг, бутун дунёда халқаро хавфсизликни янада мустаҳкамлаш ва тинчликни таъминлаш учун курашда КПСС билан ЧКП биргаликда сарфлаётган куч-ғайратнинг жуда катта аҳамиятга эга эканлигини зўр мамнуният билан таъкидлади. У партия XXV съезднинг, КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленумининг тарихий қарорларини ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев ўртага қўйган актуал вазифаларни амалга оширишда республика эришаётган муваффақиятлар тўғрисида, меҳнаткашлар Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини кутиб олишга баланд руҳ билан тайёргарлик кўраётганликлари ҳақида гапирди.

Густав Гусак Чехословакия партия-ҳукумат делегациясининг Тошкентда саммий кутиб олинганлиги ва унга ҳурмат-эҳтиром билдирилганлиги учун сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этиб, КПСС билан Совет давлатининг изчил, тинчликсевар ташқи сиёсатига ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев халқаро хавфсизликни янада мустаҳкамлаш ва жаҳондаги барча мамлакатлар билан ўзаро манфаатли дўстона муносабатларни ривожлантириш учун курашга шахсан қўшаётган ҳиссасига юксак баҳо берди.

ЧКП Марказий Комитети Бош секретари, ЧССР Президенти Густав Гусак бошчилигидаги Чехословакия партия-ҳукумат делегацияси шу куни Тошкентдан Ҳанойга жўнаб кетди.

(ЎзТАГ).

КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

Ўрта Чирчиқ районида ташкил этилган янги қўқув комбинатида таълим олаётган йигит ва қизлардан юздан ортиқ киши кўкламгача қишлоқ механизаторлари гуруҳномасини олади. Бу қўқув комбинати ҳозирги вақтда республикада ишлаб турган ўн еттинчи ана шундай таълим маркази бўлиб, улар замонавий қўқув ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда махсус стендлар, турли-туман машиналарнинг макетлари, ўқув фильмлари намойиш қиладиган киноаппаратлар бор. Булардан ташқари республикада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш—техника таъминоти давлат комитети район бирлашмалари ҳузурида 160 та ўқув синфхоналари ишлаб турибди. Баҳоргача ўн мингдан зиёд тракторчи, сеялкачи, ремонтчи-слесарлар — жами 18 касбкор бўйича мутахассислар тайёрланади.

(ЎзТАГ).

ПЕШҚАДАМ СЛЕСАРЬ

ТЎЙЧИБОЙ ўрта мактабни тугатгач «Средазгипроводхлопок» институтининг комплекслашган экспедициясига ишга келди. Меҳнатсевар, самимий бу йигитча тез кунда коллектив эътиборини қозонди. Тўйчибой ҳақида гап кетганида мен бир воқеани кўп эслайман.

Бир куни экспедициямизга Грузиядан бир вагон 65 миллиметрли қувур келди. Бу қувурларни Бекобод вокзали яқинига туширидик. Автоприцеплар камлиги сабабли шу куни экспедициямизга ташиб келишнинг иложи бўлмади. Айни вақтда беш ишчининг бирортаси ҳам тунда қоровул бўлиб қолишни хоҳламади. Шунда Тўйчибой ҳеч иккиланмай, мен қоламан, деди.

Эртаси куни экспедиция бошлиғи Г. Годяев унга раҳматнома эълон қилди.

Тўйчибой олти ой ёрдамчи ишларда ишлагандан сўнг ремонт устахоналари механиги Раимқул Ҳайдаровнинг таклифи билан слесарлик касбини ўргана бошлади.

Мана уч йилдирки, Тўйчибой тўртинчи разрядли автослесарь. У, айниқса, устози моторист Бобо ака Қурбоновдан миннатдор. Ҳамкасблари Ҳайдарали Алиқулов, Дўстбобо Устоевлар билан мусобақанинг олдинги сафида боряпти. Пешқадам слесарь, айни пайтда Бекобод индустриал техникуми кечки бўлимининг студенти Тўйчибой Қудратов ўз тақдирини ўз қўли билан яратаётган тенгдошларининг бири.

Х. ОТАҚУЛОВ,
«Средазгипроводхлопок» институти ходими.

ҲАЛҚ ИШОНЧИ

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ Ю. В. АНДРОПОВ БИЛАН УЧРАШУВИ

11 февраль куни Горький шаҳрида сайловчиларнинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси Юрий Владимирович Андропов билан учрашуви бўлиб ўтди. Ю. В. Андропов Приока сайлов округидан Россия Федерацияси Олий Совети депутатлигига овозга қўйилмоқда.

Ўрток Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси якдиллик билан фахрий президиумга сайланди.

В. И. Ленин номидаги телевизион завод токари Г. Я. Беляков, В. И. Ульянов номли завод партия комитетининг секретари Ю. Д. Артамонов, ишончли вакил — В. И. Ленин номидаги телевизион заводнинг ишчиси Л. А. Тюгина ва бошқалар сўзга чиқиб, область меҳнаткашлари социалистик мусобақада катта муваффақиятларга эришаётганликлари ҳақида гапирдилар.

Йиғилиш аҳли саммий кутиб олган Ю. В. Андропов нутқ сўзлади. Бу ерда, деб таъкидлади нотиқ, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети шаънига кўпгина эзгу сўзлар айтилди. Содиқ ленинчи Леонид Ильич Брежнев ўн беш йилдан кўпроқ вақтдан буён партия Марказий Комитетига бошчилик қилиб келмоқда. Мамлакатимиз меҳнаткашлари партиянинг тўғри сиёсий йўлини Л. И. Брежнев номи билан боғламоқдалар. Леонид Ильич партиянинг ана шу сиёсий йўлини ишлаб чиқишга ва амалга оширишга ўзининг бутун тажриба ва билимини, бутун куч ва ғайратини сарфламоқда. Совет халқининг туб манфаатларига доимо хизмат қилиш, самарали ишлаш, бахтли ҳаёт учун, ер юзида мустаҳкам тинчлик ва коммунизм буюк идеаларининг тантанаси учун шарт-шароитларни таъминлаш Л. И. Брежнев кўп киррали фаолиятининг марказида турибди.

Ҳозирги сайлов кампанияси ўз хусусиятларига, ўзининг ажойиб ҳислатларига эга. Уннинчи беш йиллик ниҳоясига стай деб қолди. Қилинган ишларнинг улуғворлиги ва кўлами тобора кўпроқ ёрқин намоён бўлмоқда. Совет жамиятини, мамлакатимиз халқ хўжалигини янада ривожлантириш уфқлари тобора равшанроқ намоён бўлмоқда. Ҳозир барча коммунистларнинг, барча меҳнат коллективлари, партия ва хўжалик раҳбарларининг диққат-эътибори фойдаланилмаган имкониятларга, ички резервларни сафарбар этиш зарурлигига, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини янада оширишга қаратилгандир.

Бизнинг келажакка мўлжалланган режаларимиз мустаҳкам иқтисодий негизда қурилмоқда. Биз бунёдкорлик ишларимизнинг ҳажмини ва суръатларини ошириш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ва сифатини ошириш, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир звенасини ва ҳар бир ишчини ишлаб чиқаришнинг ҳар бир бўлимини ва ишлаб чиқаришнинг ҳар бир ишини ҳисобга олиб,

1980 24 ФЕВРАЛЬ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ЖАМОАТЧИЛИККА ТАЯНИБ

СССР янги Конституциясида маҳаллий Советларнинг фаолият миқёси янада кенгайди ва роли оширилди. Бирон-бир оммавий ва ташкилий иш йўқки, уни кенг жамоатчилик, биринчи навбатда ташаббускор ташкилотлар иштирокисиз ўтказилсин. Мавсумий, оммавий ишларни амалга оширишда ташаббускор ташкилотлар — маҳалла ва уй комитетлари, жамоатчи хотин-қизлар Советлари, пенсионерлар Совети, ўртоқлик судлари, кўнгилли халқ дружиналари ва бошқа-бошқа ташкилотлар яқиндан ёрдам берадилар. Масалан, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш, уй-жой фондини сақлаш қондаларига риоя қилиш, клублар, чойхоналар қуриш, суғориш тармоқларини тозалаш ва ремонт қилиш каби қанчадан-қанча ишлар ана шу жамоатчилик ташкилотларининг куч-ғайратлари билан амалга оширилмоқда.

Шунинг учун ҳам район Совети ижроия комитети халқ депутатлари ҳамда Совет қошидаги доимий комиссияларга район хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишда яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Улар билан мунтазам равишда семинар ва йиғилишлар ўтказилиб турилади, турли хил материаллар муҳокама этилади. Амалга оширилаётган бу ва бошқа кўплаб тадбирлар ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишда, иш вақтидан унумли фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, иқтисодий тежамкорлик юришини авж олдиришда, район хўжалигини ривожлантиришдаги бир қатор долзарб масалаларни ҳал этишда ўзининг ижобий аксини топмоқда. Буни биргина мисолда ойдинлаштириш мумкин. Олдинги сайловлардан буён ўтган давр мобайнида район саноати планга қўшимча равишда 30 миллион сўмликдан зиёд, зарбдор йилда эса 7 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулотларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқарди ва реализация қилди.

Район саноат корхоналарининг коллективлари бундай ютуқларга мавжуд ускуналар ва ишчи вақтидан унумли фойдаланиш, ўз корхоналари ишлаб чиқаришларини реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш, технология жараёнларини такомиллаштириш, ўзаро социалистик мусобақани авж олдириш туфайли эришмоқдалар. Бугунги кунда 200 дан кўпроқ ишчи шахсий беш йиллик топшириғини бажарди. Улар орасида район Совети депутатларидан экспериментал механика заводи токари В. П. Арқибасов, трактор заводи токари А. А. Кутранова, «Узторгреклама» комбинати ишчиси М. И. Магда, 3-ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси чевари Е. И. Наумова ва бошқа кўплаб илғорлар бор. Уларнинг куч-ғайратлари туфайли зарбдор йилда 1978 йилдагига нисбатан 1,5 миллион сўмликка яқин халқ истеъмоли буюмлари кўп ишлаб чиқарилди.

Шунинг қувончлиги, уч йилдан буён район саноат корхоналари қолоқларсиз ишлаб келмоқда, ялпи маҳсулотнинг 26 процентдан кўпроғи давлат Сифат белгиси билан тайёрланмоқда.

Моддий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим тармоқларидан бири — капитал ва уй-жой қурилиши бўлиб, саноат ва бошқа тармоқларнинг ривожланиши, аҳоли ижтимоий-маиший шароитининг яхшиланиши кўп жиҳатдан бу соҳанинг нақадар кенг миқёсда олиб борилишига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам районда капитал ва уй-жой қурилишига катта эътибор бериб келинмоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина 150 минг квадрат-метрдан кўпроқ уй-жой майдони фойдаланишга топширилди. Қорасув-3, Тошкент трактор заводининг 4-микрорайони қурилди, Луначарский шоссесининг жанубий томонида уй-жой массиви қурилиши кенг миқёсда олиб борилмоқда. Шунингдек, саноат, маданий-маиший биналар — биохимия институти биноси, савдо тармоқлари, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари бунёд этилмоқда. Қурувчилар унумли, тежамли, сифатли иш олиб бормоқдалар. Бунда уларга меҳнатнинг янгиянги форма ва методлари қўл келмоқда.

Район ижроия комитети кўплаб уй-жойларни фойдаланиш учун қабул қилиб олар экан, бир вақтнинг ўзида уй-жой фондининг яхши сақланишига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Бугунги кунда маҳаллий Советлар ихтиёрида умумий майдони 900 минг квадрат-метрдан кенгроқ ҳажмда 1100 дан кўпроқ уйлар бор. Буларнинг ярмидан кўпроғи марказий иситиш системасидан иситилади ва иссиқ сув билан таъминланади, ўтган йилнинг ўзидагина уй-жойларни капитал ремонт қилишга қариб икки миллион сўмга яқин маблағ ажратилди.

Районда ободонлаштириш ишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда. Буни кейинги йилларда район территориясининг қиёфаси янада гўзаллашганлигидан ҳам билса бўлади. Ана шу мақсадлар учун 1979 йилнинг ўзидагина пландаги 767 минг сўм ўрнига бир миллион 114 минг сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Натижада янгиянги асфальт йўллар, соявонли бекатлар, суғориш иншоотлари қурилди. Яланғоч, Юз ариқ, Дархон каналлари каштал ремонт қилинди, янги-янги кичик хиёбонлар барпо этилди. Бундай ишларни амалга оширишда район аҳолиси ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш кўкламги ва кузги ойликларида фаол қатнашмоқдалар.

Умумхалқ ҳашаридa автотранспорт хўжаликлари, саноат ва қурилиш ташкилотларининг транспортлари кенг жалб этилмоқда. Уларнинг куч-ғайратлари билан ўтган йили 230 мингга яқин дарахт ва ниҳоллар ўтказилди. Бу дарахт ва ниҳоллар районда янгидан бунёд этилган Қорасув-1, Қорасув-2, Қорасув-3, Ташавтомаш-4, Шимоли-Шарқ турар жой массивларида, районнинг ўнлаб кўчаларида мустаҳкам ўрин эгаллади. Умумий майдони 6,5 гектарлик ўнга яқин кичик хиёбонлар барпо этилди. Фақат район кўчаларини электр чироқлари билан ёритишнинг ўзигагина 84 минг сўм сарфланди.

Аҳолига озиқ-овқат савдоси хизматини яхшилаш доимо ижроия комитетининг диққат-эътиборида. Савдо тармоқларини ривожлантириш ва хизмат кўрсатишнинг прогрессив формаларини жорий этиш туфайли товар оборотн ортиб бормоқда. Ўтган йили 50 та магазин ўз-ўзига хизмат қилишга ўтди, умумий овқатланиш корхоналаридаги ўринлар 250 тага ортди. Совет кишиларининг моддий фаровонлигини, ғоявий ва маънавий бойлигини оширишда маиший хизмат муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда район аҳолисига жон бошига ҳисоблаганда 27 сўмданга маиший хизмат кўрсатишга эришилмоқда. Бугунги кунда 160 дан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари аҳоли хизматида. Бу тармоқ янада ривожланиб, Троллейная ва Гоголь кўчаларида бир қатор маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари очилади. Ўнта саноат корхонасида эса 17 номда хизмат кўрсатувчи янги тармоқ ишга тушириладн.

Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш маданияти тобора юксалмоқда ва такомиллашмоқда. Райондаги соғлиқни сақлаш муассасаларининг ёнига Қорасув-1 массивида 13-поликлиника, Қорасув-3 массивида 3-болалар стоматологияси поликлиникаси, 13-поликлиника филиали қўшилди, 9-стоматология поликлиникаси кенг обод бинога кўчиб ўтди, 5-болалар касалхонаси биноси кенгайтирилди ва ҳоказо. Шунингдек, районимиз меҳнаткашлари фарзандларининг ўқишлари ва боғчаларда тарбияланишларига катта эътибор берилмоқда. Улар учун қурилган янги замонавий мактаб ва болалар боғча-яслилари ишга туширилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини қаётга тадбиқ этиш юзасидан тадбирлар комплекси амалга оширилмоқда. Бугунги кунда районда давлат тармоғидаги учта маданият уйи, касаба союзларга қарашли 9 та маданият саройи ва уйи, 5 та болалар ва 9 та катталар кутубхонаси, касаба союзларга қарашли 9 та кутубхона, 3 та маданият ва истироҳат парки, 3 та кинотеатр ва бошқа маданий муассасалар аҳоли хизматида. Уларнинг ходимлари меҳнаткашларни, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодни совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашни ўз олдиларига асосий вазифа қилиб қўйганлар.

Ижроия комитет қошидаги физкультура ва спорт комитети спортнинг меҳнаткашлар ўртасида кенг авж олиши ҳақида катта ишларни амалга оширмоқда. Бу борада бир талай тадбирлар ўтказилди. Ўтган йилнинг ўзидагина 17 мингдан кўпроқ ГТО комплекси ишондорлари, 15 минг оммавий разряд спортчилари, 28 СССР спорт мастери, 150 СССР спорт мастерлигига номзодлар ва 314 биринчи разрядли спортчилар етишиб чиққанлиги фикримизнинг яққол далилидир. Ҳозир улар учун Тузелда спорт иншоотлари комплекси қурилмоқдаки, бу район меҳнаткашларининг ажойиб дам олиш эонаси бўлиб қолади.

Район Советининг сессияси, ижроия комитетнинг кенгашларида қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши, доимий комиссияларнинг фаолиятлари, депутатларнинг ўз вазифаларини, Совет ва унинг органлари томонидан берилган топшириқларни қандай бажараётганликлари каби масалалар муҳокама этилади. Ҳозир халқ депутатлари Куйбишев район Советида 12 та доимий комиссия фаол иш олиб бормоқда. Уларнинг куч-ғайратлари билан ўтган йили 45 та масала район Совети ва ижроия комитетида кўриб чиқиш учун тайёрланди. Сессияга тайёргарлик ва уни ўтказишда доимий комиссияларнинг раислари ва аъзоларидан А. А. Акрамов, В. Д. Ким, В. П. Арқибасов, И. Гаврилов, В. Чурикова, А. Одилова, Ғ. Жуманиёзов, П. Долгополов каби кўплаб депутатлар фаол қатнашмоқдалар.

О. РАСУЛОВ,
халқ депутатлари Куйбишев район Совети ижроия комитетининг раиси.

Бекобод район Ленин номли колхоз территориясидаги 8-сайлов участкаси ходимлари ўз фаолиятларини тобора активлаштирмоқдалар. Сурат да: агитаторлар Р. Маманов, Ш. Султонов, Ё. Рўзиметова, Х. Ҳамроева ва Г. Эркабоева ўртоқларни кўриб турибсиз.

М. Қорабеков фотоси.

КОНКУРС ҒОЛИБЛАРИ

ИЖОДКОР студентлар сони тобора ортиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзида республикамиз олий ўқув юртларида ёшлар фан ва техниканинг 30 га яқин йўналиши бўйича 100 дан ортиқ илмий ишин муваффақиятли бажардилар.

Студент-ёшларнинг республика конкурсида 165 та иши юқори баҳоланди ҳамда Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг дипломи билан тақдирланди.

Изланувчан йигит-қизлар томонидан бажарилган энг яхши ишлардан 90 таси эса Москвада ўтказиладиган Бутииттифоқ конкурсига танлаб олинди.

А. АКБАРОВ.

ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

КЕЧА Тошкент область партия комитетида область лекторлар активининг семинар кенгаши бўлиб ўтди.

Унда КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори партия ва комсомол комитетларининг лекторлик группалари «Билим» жамияти ташкилотларн томонидан қандай бажарилаётганлиги қараб чиқилди, КПСС Марказий Комитетининг «В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш борасидаги вазифалар муҳокама этилди.

«Билим» жамияти область ташкилоти правленеесининг ранси, ЎзССР Фанлар Академиясининг мухбир-аъзоси С. П. Турсунмуҳамедов доклад қилди.

Бекобод шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири В. М. Чен, область комсомол комитетининг секретари А. С. Раззоқов, Ғалаба районидаги космонавт Волков номли совхозданги «Билим» жамияти бошланғич ташкилотининг ранси Г. И. Исмонлов лекция пропагандаси самарадорлигини ошириш, унинг илмийлиги ва жанговарлигини, ҳаёт билан, энг муҳим сиёсий ва хўжалик вазифаларини ҳал қилиш билан мустаҳкам алоқасини таъминлаш соҳасидаги иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Шунингдек, область лекторлар активининг сайловларга, Улуғ Ватан урушида Буюк Ғалабанинг 35 йиллигига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар ҳам қараб чиқилди.

Семинар кенгашда КПСС Марказий Комитетининг «В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарори асосида лекция пропагандасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар қабул қилинди.

ҒАЛЛАЗОР ЎГЛОНИ

АДИРЛИКЛАРНИ кесиб чўққилар бағрига сингиб кетган илон изи йўл қор остидан аранг кўзга чалинади. Юз-кўзлари ҳаяжон ва совуқдан бироз қизарган, очиқ чеҳрали, жуссадор йигит эса дадил одимлар билан ҳамон юқорилаб бораётир. Унга бу ерлар кўпдан таниш. Ҳозир оппоқ либосга бурканганига қарамай, Мирсовут уни ҳамма вақт тўкин ёз фаслида олтин бошоқлари шовуллаб турган буғдойзор ҳолида шундайгина тасаввур қилади. Чунки эсини танибдики, тоғли Сўқоқнинг табиатига мафтун бўлиб ўсди, қувончли кезларида ҳамиша мана шу қирликлар бағрига шошилди. Дарвоқе кўпчилик хурсандчилик ва муваффақиятлари ҳам жонажон қишлоғи, саҳоватли далалар билан боғлиқ. Ҳозирчи?

Бугун ҳам шодлиги бир олам, дўстлари, таниш-билишлари уни кетма-кет табриклаганлиги туфайли қувончини сиғдира олмай шу ёққа отланди. Гўё ҳамқишлоқлари уни иккинчи марта область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишгани, бундай ишончнинг нақадар улканлигини айтиб сирлашгиси келди...

Йигит тўхтаб, момиқдина қор устига чўққа тушди. Нигоҳи олис-олис қирликларга қадалди. Бу ерлар унинг бригадасига қарашли — Етиқир деб аталади. Нарироқда Самсарак ва Отчопган участкалари бор. Ҳаммаси бамисоли осуда ҳордиқ чиқараётгандек, оппоқ либосга бурканган. Аммо, зоҳиран шундай кўринганн билан уларда ҳаёт жонланяпти. Мана шу қирликлар бағридаги 850 гектар майдонга «Сурхон» навли буғдой ва эртаки арпа экилган. Кўкламда яна 50 гектарга бақори дон экилади. Эрта-индин кузги экинларга ишлов бериш, маҳаллий ўғит чиқариш ҳам бошланиб кетади.

Мирсовутнинг ҳаёлига кўни кеча тажрибали деҳқон ота айтган сўзлар келди. «Об-ҳавонинг ноқулай кунлари ўтиб кетди. Энди кузги экинлар мисоли йўргакдаги чақалоқдек беҳавотир». Қор ёғавермаганидан озмунча ташвишланишмади ўзиям. Ахир, лалми ерлардаги экиннинг тақдири табиатга ҳам боғлиқда. Уруғлик ташлаганидан сўнг ер тезроқ «оқ кўрпа»га бурканса, деҳқоннинг кўнгли ёришади. Сабаби паст ҳарорат ва намлик деҳқонга қарши «сулҳ тузса», катта кучга айланиши мумкин...

Ҳаёллар бир-бирига уланиб кетди. Мирсовут ўзининг мўл ҳосил етиштириш «сир»ларини, миришкорлик илмини эгаллаш учун босиб ўтган йўлини, изланишларини бир-бир эсларди. Уларнинг ҳаёти билан бевосита боғлиқлигини, ҳар бири ҳам қандайдир из қолдирганлигини ҳис қилди...

1977 йилнинг эрта баҳорида Мирсовут Ҳосиловнн колхоз идорасига чақиришди. Эндигина чорак асрлик балоғат ёшини қаршилаётган навқирон йигит бу пайтда анчагина нарсани кўриб улгурган эди. Совет Армияси сафида бўлган, Калинин номли колхоз боғдорчилик бригадасида бир неча йил ҳалол меҳнат қилиб Ленин партиясига қабул қилинганди. Ҳозир ғаллачилик бригадасида ишлаб, Тошкент қишлоқ хўжалик институтида сиртдан таҳсил олар, деҳқончилик илмини ишлаб чиқаришга тадбиқ этишга оид айрим фикрлари кўпчиликни ўйлантириб қўярди.

— Шодлор Қорабоевни ферма мудирлигига тайинладик,— дейишди колхоз правлениесида.— Партия бюроси аъзолари билан ҳам маслаҳатлашганмиз, бригадага етакчилик қилишни сизга топширамиз.

Коммунист учун партия сўзи буйруқ. Ортиқча гапга ўрин қолмаган эди. Ишонч масъулияти улкан. Уни оқлаш учун озмунча куч-ғайрат сарфлаш керак бўлмади. Яхшиямки Холдор Расулов, Маъмур Ҳасанбоев, Зикр Жўрабоев сингари тажрибали кишилар билан аввалдан ака-укадек иноқ бўлиб кетишган. Дастлабки кунларданоқ ана шулар ёрдам қўлини чўзишди.

— Энг аввало инсонинг кўнглини топишга ҳаракат қил, укам. Унинг юрагига йўл топа олсанг, дўстларинг ҳамиша сен билан ҳамкор, ҳамнафас бўлишса, ошнинг олчи. Кўпчилик бирлашса тоғни емириб, азим дарё сувини ҳам симира олади,— дейишди улар.

Бу сўзлар бир умр Мирсовутнинг қалбидан жой олди. 25 кишилик катта коллектив ҳар бир аъзосининг қувончи ва ташвиши, ўй ва орзулари билан ўртоқлашишга интилди. Уларга зарур бўлса ёрдамлашди, баъзи ҳолларда маслаҳат ва кўмак сўради. Натижада ғалла ҳосилдорлигини ошириш, агротехник тадбирларни муваффақиятли ўтказишга доир янги-янги фикрлар, мулоҳазаларни билиб олди. Улар асосида янги — маҳсулдор навларни синаб кўриш усулларини, минерал ўғитларни ўз вақтида бериш учун тупроқ ҳолатини кузатишни ўрганди.

Биринчи йили унинг бригадаси 1250 гектар ерда деҳқончилик қилди. Ўзи ҳам А. Абдураимов, У. Бувабоев, А. Ражаматов каби тенгдошлари билан бир қаторда экиш-тикишдан тортиб, ҳосилни йиғиб-териб олишгача ҳамма ишларда қатнашди. Шу билан бирга бригада аъзоларига шарт-шароитлар яратиб бериш учун ҳам қайғурди. Бу ундан бошқаларга нисбатан икки ҳисса кўп куч-ғайрат сарфлашни талаб қиларди. Ҳаммасига улгуриш учун кўп марталаб эрта тонгда туриб ярим кечаси уйига қайтишга тўғри келди. Бироқ барчаси биринчи йили буғдой ҳосилдорлиги 14,5, арпа эса 15 центнерни ташкил этганида бир зумда ёдидан кўтарилди. План 115 процент қилиб адо этилди. Меҳриддин Жўрабоев, Бадал Бозоров сингари комбайнчилар хирмонга бункердан тонна-тонналаб ғалла тўкишди. Биринчи йили ёш бригадир учун бу кўрсаткичлар ҳазилакам ютуқ эмас эди.

Кейинги йилларда унинг бригадаси аъзолари ҳосилдорликни ошириш учун курашни янада кучайтирдилар. Бунинг эвазига айрим карталарга буғдой ўрнига маккажўхори экиб, дам бериш, кейинги йилларда эса «дала маликаси»ни бошқа майдонларда етиштириш мумкин бўлади. Бу ҳар 3—4 йил ичида бригаданинг ҳамма территориясини бир карра тўйинтириш имконини беради. 1978 йили бригада аъзолари ғалла ҳосилдорлигини пландаги 11 ўрнига 16,5 центнерга етказдилар. Ўтган йили ҳам қийин об-ҳаво шароитига қарамай йиллик планни 107 процент қилиб бажаришди.

Пиллачилик ҳам бригаданинг асосий юмуши бўлиб қолди. Санобар Расулова, Ўғилбуви Мирсиддиқова сингари «ипак тола» ижодкорларининг ғайрати туфайли 10 қути қурт уруғидан 105—110 килограммдан пилла етиштиришди. Бу соҳадаги топшириқ 175 фоиз қилиб уддаланди.

Мирсовут бригада далаларини кезиб юриб, ана шуларнинг ҳаммасини бир-бир эслади. Меҳнат ютуқлари билан ҳаётидаги қувончли воқеаларнинг ҳамоҳанглиги, боғлиқлигини қайтадан ҳис қилди. Комсомоллик даври, КПСС сафига ўтганлиги, биринчи марта область совети депутатлигига сайланганлиги ҳаёлидан ўтди. Бу йил қайтадан 294-Сўқоқ сайлов округидан область совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилганлигини эслаб, ишончдан кўнгли тоғдек кўтарилгандек бўлди. Қуёш уфққа бош қўйганида ортига қайтар экан, ерлардан баҳор ҳиди анқигандек бўлиб, яқин кунларда бошланиб кетадиган дала ишлари кўз олдида жонланди. Томирларида қони жўш уриб, тез-тез илгарилаб кетди.

А. БОБОБЕКОВ,
Паркент районидаги «Паркент» совхози.

БУНЁДКОРЛАР

КПСС Марказий Комитетининг В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллиги тўғрисидаги қарорига жавобан пойтахтимиздаги кўплаб қурилиш ташкилотларининг бунёдкорлари зиммаларига оширилган мажбурият олиб меҳнат қилишяпти. «Марказ-6» массивида қад кўтарган 126 квартирали янги турар-жой биносига 2-уйсозлик комбинатининг 25-қурилиш бошқармаси пардозловчилари сайқал беришяпти. Бунда, айниқса, В. Савельева бошлиқ бўёқчилар, И. Тимошеев бошлиқ дурадгорлар, А. Гавердев бошлиқ кошинкорлар бригадалари жонбозлик кўрсатиб ишлашяпти. Улар смена нормаларини мунтазам ошириб бажаришяпти.

«Марказ-6» да «Ташоблколхозстрой» трестининг 98-қурилиш бошқармаси бинокорлари икки қаватли болалар боғчасини қуришяпти. Бу объектда Ш. Ҳамидов бошлиқ комплекс бригада азаматлари зарбдор меҳнат қилиб, боғчани апрель ойигача кичкинтойларга совға қилишмоқчи.

Қишлоқ хўжалиги институтининг ўқув-лаборатория корпусини қураётган 159-трестнинг 9-қурилиш бошқармасидан Эргаш Исаев бошлиқ бригада ҳам мусобақанинг олдинги сафида бормоқда.

Янги ТошМИ массивида 12-трестнинг 50-қурилиш бошқармасидан Иўлдош Шобилолов бошлиқ бригада бинокорлари графикдан ўзиб ишлашяпти.

С. СУЛТОНОВ.

Суратда: В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис эритиш заводининг илғор ишчилари Абдулла Алиқулов ва Валентин Леонтьев. Улар дорҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига зиммаларига оширилган мажбурият олиб меҳнат қилишяпти.

В. Сироткин фотоси.

ПОСЁЛКА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

«ЛЕНИНИЗМ» колхозида замонавий усулда қурилаётган экспериментал посёлка кун сайин чирой очиб бормоқда. Яқинда посёлка марказида болалар шифохонаси фойдаланишга топширилди. Касалхона замонавий медицина асбоб-ускуналари билан таъминланган. Болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун малакали врачлар ишга таклиф қилинди.

Бу ерда қурилаётган ҳар бир бино белгиланган муддатда фойдаланишга топширилаётир. Ўтган йили қурувчилар колхозчилар учун 22 та турар-жой биноларини ҳадя этишди. Янги уйларга кўчиб ўтган пахтакор ва чорвадорларга қулай шароитлар яратиб берилган.

Бу йил экспериментал посёлкада универмаг, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уйи ва ошхона биноларини қуриб, фойдаланишга топшириш режаланган. Ҳозир бу объектларда бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилаяпти.

О. ҚОЗОҚБОЕВ,
Янгийўл райони.

КАСБНИ ЭЪЗОЗЛАБ

ТЎЛҚИН ўз танлаган касбига меҳр қўйганлиги туфайли эл-юрт олдида обрў-эътибор қозониб келмоқда. Бошқармадагилар уни саҳий қалб эгаси, дейишади. У бошқараётган сантехник-газмонтажчиларнинг иши гоят масъулиятли. Улар доим одамларга қувонч улашиб юрадилар.

1965 йилда янги ташкил топган «Ташсантехгазмонтаж» трестининг 2-монтаж бошқармасидаги бу бригадага М. Базитов бошчилик қиларди. Дастлабки даврда мутахассис кадрлар етишмасди. Шундай кунларнинг бирида эндигина ҳарбий хизматни ўтаб қайтган бир йигит бошқармага кириб келди.

— Тўлқин Ҳасанов,— деб таништирди у ўзини бригадир билан самимий кўришаркан. Сўнг, ҳозир трестдан келяпман, сизнинг бригадангизга юборишди. Маъқул кўрсаларингиз бирга ишласам,— деб қўшиб қўйди...

Дастлаб улар Ленин районида қурилаётган уйларда канализация ишларини бажардилар. Тўлқин армияда ҳам кўпгина янги уйларни қуришда ерости ишларини бажариб, водопровод, батарея ўрнатишда фаол иштирок этганлиги туфайли бу ерда қийналмади.

Орадан бир йил ўтгач, Михаил Базитов бошқа бригадага ўтиб кетди. Коллектив ишончини тезда оқлаган Тўлқинжонни ишчилар Михаилнинг ўрнига бригадир этиб сайлашди. Зеро, Базитовнинг ўзи ҳам бошқа ишга ўтиш вақтида трестдагиларга уни тавсия этган эди. Бригадада иш сифати яхшиланиб борди. Тошкентликлар 1965 йилда Ленин районининг Болгар массивида 96 хонадонга мўлжалланган янги типовой уйни қабул қилиб олдилар.

Тошкент энгзиласи барча ҳамшаҳарларимиз сингари Тўлқин Ҳасанов бригадасини ҳам ларзага келтирди. Бригадир шу куни тонг ёришмасдан ишхонасига етиб келди. Хаёлида «Энди буёғи нима бўлади» деган ўй ҳукм сурарди. Ишчиларнинг бари хомуш ҳолда ўз участкаларига тўпланишди. Энг асосийси ҳамма соғ-саломат экан. Ҳар ким ҳар сафаргидек ўз ўрнида меҳнат қилди. Кўп ўтмай янги Тошкент барпо этиш учун Иттифоқимизнинг ҳамма шаҳарларидан қурувчилар кела бошлади.

Ҳа, ўша йиллар Тўлқиннинг эсига тушса, ҳали ҳам бир хўрсиниб қўяди. Аҳолининг тезроқ янги шинам уйларга кўчиб ўтишига яқиндан кўмаклашишди. Бригада аъзолари билан ишни икки сменада ташкил этди. Аҳил коллектив бир сафда меҳнат қилиб, яхши ютуқларни қўлга кирита бошлади. Деярли ҳар ҳафтада ҳамшаҳарларимиз замонавий квартира билан таъминланиб турардилар.

— Одатда қурувчилар иморатни тиклашгач, қолган ишларни пардозловчиларга ташлаб қўйишади,— дейди Тўлқин Ҳасанов.— Биз биноларни қанча кўп ва сифатли топширсак аҳоли ҳам, ўзимиз ҳам шунча манфаатдор бўламиз.

Мен энгзила вақтида ёрдамга келган украиналик, белоруссиялик ва москвалик қурувчилардан жуда кўп ибратли ишларни ўргандим. Шулардан бири, канализация ишларини комплекс равишда ташкил этишдир. Бунда трестдагилар билан бевосита алоқа қилиб турилади. Улардан энди қайси қурилиш объектига боришимизни олдиндан билиб оламиз. Сўнг бригададан икки кишини ажратиб, янги объектдаги қурувчиларга бириктиб қўямиз. Улар бу қурилиш майдонида канализация ишлари учун зарур бўлган материалларни олдиндан тайёрлаб туришади. Бу усул, янги иш жойимизда ишни дарҳол бошлаб юборишимизга қўл келаётир. Шу йўл билан ишнинг унумли бўлишини ва турли топшириқларнинг мунтазам ошириб бажарилишини таъминлаётирмиз.

Ҳозир бригадада 10 киши меҳнат қиляпти. Уларнинг аксарияти Тўлқинжоннинг шогирдлари. Коллективга коммунистик меҳнат бригадаси номи берилган. Ишчилар ақлий, иноқ. Бўш вақтларида бир-бирларининг ойласида гез-тез бўлиб туришади. Бу сафар улар ўз бригадирларининг уйига ташриф буюришди. Гап орасида Тўлқин дўсти Тошпемир Сулаймоновга украиналик қурувчи дўстининг мактубини ўқиб берди. Микола Ишченко ўзи тўғрисида, коллективдаги янгиликлар тўғрисида ёзиб юборишини илтимос қилибди.

Дарҳақиқат, қардош республика қурувчилари билан дўст тутиниш яхши фазилат. Бир-биридан тажриба ўрганади киши. Аммо ҳозир ҳамкасбига нима ҳақда жавоб ёзса экан? Ахир ҳаётда, корхонада янгиликлар кўп. Яқингинада шаҳримиздаги 1-темир бетон буюмлари заводининг реконструкция қилинган биноларини фойдаланишга топширганлиги ҳақидами, ёки «Марказ-1» кварталида бунёд этилган республика композиторлар уйида ҳамкасблари прораб Илҳом Аҳмаджонов, Эргаш Дадакаев, Эркин Мусаев, Тошпемир Сулаймонов, Ғайрат Мақсудов, Шораҳим Шожалилов билан водопровод қувурлари ҳамда иссиқлик батареяларини ўрнатишда қўлланилаётган янгиликлари ҳақидами?

Авваллари уй пардоздан чиққандан сўнг унга батарея ва ванна ўрнатиларди. Кўп ҳолларда иморатнинг девори бузилиб кетар, натижада пардозлашга ортиқча маблағ сарфланарди. Бунинг устига объектни топширган пардозловчини излашга кетган вақтичи. Энди эса улар таклифи билан аввал водопровод, ванна ва батареялар ўрнатилиб, сўнг уйлар пардозланяпти. Ҳозир бу усул бошқа қурилиш бошқармаларида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Ёзай деса, ёзишга арзигулик ишлари кўп. Бу касбни танлаб Тўлқинжон кам бўлмади. «Шавкатли меҳнати учун» медали ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Асосийси, трест коммунистлари сафидан муносиб ўрин олди.

У Ленин район ижроия комитети қошидаги ёшлар билан ишлаш комиссиясининг аъзоси. Етиқоналарда, билим юртларида бўлиб ёшларнинг маданий-маиший шароитлари билан яқиндан қизиқади, уларга зарур бўлган кўмакни беради.

Ҳозирги кунда у етакчилик қилаётган бригада шаҳримизнинг Олмазор массивида бунёд этилётган 136 квартирали уй-жой биносида канализация ишларини олиб бораяпти. Яқинда бу бино шаҳарликларга тортиқ этилади. Қувончлиси шундаки, Тўлқин Ҳасанов бошчилик қилаётган коллектив шу кеча-кундузда май ойи ҳисобига ишламоқда.

Графикдан ўзиб меҳнат қилаётган бригада аъзоларининг Тошкентни янада гўзал шаҳарга айлантиришга қўшаётган ҳиссалари салмоғи ортиб бораверади. Чунки, уларга коммунист, саҳий қалб эгаси Тўлқин Ҳасанов бошчилик қилмоқда.

А. ФОЗИЛОВ,
Э. ТУЛАГАНОВ.

ДОҲИЙ НОМИ БИЛАН

ШУ кунларда хўжалигимиз меҳнаткашлари барча совет кишилари каби КПСС Марказий Комитети ноябрь (1979 йил) Пленумн қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқидан илҳомланиб, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили вазифаларини ҳал қилишга алоҳида бир кучғайрат билан киришдилар. Чунки бу йил оташин революционер, Коммунистик партия ва дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги нишонланади.

Ленин ишининг, улкан режаларининг ҳақиқатга айланаётганлигини бугун биз колхозимиз мисолида ҳам кўриб турибмиз. Тўқайзор, қамишзор, ботқоқ ерлар ўрнида ташкил этилган хўжалигимиз 1959 йилдан бери В. И. Ленин номи билан аталиб келади.

Илгари техникаси кам, ҳосилдорлиги паст, кам даромадли бу хўжаликда, эндиликда 146 трактор, 32 пахта териш машинаси, 55 автомашина ва кўпгина шунга ўхшаш қишлоқ хўжалик техникаси мавжуд. Хўжалигимиз ҳар йили она-Ватанга 5 минг тоннага яқин пахта, 14 минг тонна каноп пояси, 2 минг тонна шоли ва кўплаб чорва маҳсулотларини етиштириб бераяпти. Йиллик даромад 6 миллион сўмдан ошиб кетди.

Ҳозирги кунда колхозимиз меҳнаткашлари онгида замон руҳи акс этмоқда. Уларнинг маънавий дунёси бойиди. Меҳнатга коммунистик қараш тушунчаси кенгайди. 1959 йилда колхоз бўйича 2 нафар олий маълумотли қишлоқ хўжалик мутахассиси бўлган бўлса, бугунги кунда улар сони 40 кишига етди.

В. И. Ленининг миллатлар тенгҳуқуқлиги ҳақидаги васияти бизнинг хўжалигимизда ҳам ўз аксини топди. Бизда 14 миллат вакили, 52 интернационал оила мавжуд. Улар бир оила ва иноқ бўлиб, шаклан миллий, мазмунан социалистик прикциплларга амал қилган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси хўжалигимиз юксалишига, меҳнат аҳли турмуш маданиятининг юксак поғонага кўтарилишига сабаб бўлмоқда. Бизда маданият уйи, касалхона, почта, дорихона, ҳамда 3 та участкамизда замонавий болалар богчаси, 3 та ўрта мактаб, клуб, трактор парклари мавжуд. Хонадонлар газлаштирилган ва газлаштириш давом этмоқда.

Бу ютуқларни қўлга киритишда колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг колхоз меҳнаткашлари турмуш маданиятини янада яхшилаш тўғрисида кўраётган тадбир-чоралари кўл келмоқда.

Яқинда колхоз коммунистларининг умум партия мажлисида коммунистлар ва колхозчилар ўртасида КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарори ишлаб чиқилиб, қатор тадбирлар қабул қилинди.

Биз «Ленин номига муносиб бўлайлик», «В. И. Ленининг 110 йиллигида колхозимизни районимиз ичида энг маданий хўжаликка айлантирамиз!» шиори остида меҳнат қилмоқдамиз.

Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда одат тусига кириб қолган «Турмуш ва маданият» конкурсига тайёрликни қизитиб юбордик. Бу йил эса «Кўкламзорлаштириш» конкурси ташкил этилди. Бунда ҳар бир хонадон ўз уй атрофига, ишхона, кўча ченкаларига гул экиб, гулзорга айлантиришга, тозалик ва интизомга эътибор беришга эришилади. Голибларга мукофотлар В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини нишонлаш куни — 22 апрелда тақдим этилади.

Хўжалигимиз меҳнаткашлари ана шу улуғ санани кутиб олиш борасида Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, шу кунларда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ҳеч шубҳа йўқки, улар қутлуғ юбилейни муносиб кутиб оладилар.

Ш. АБДУКАРИМОВ,
Ғалаба районидаги Ленин номли колхоз партия комитетининг секретари.

Тошкентдаги 173-шаҳар ўрта профессионал-техника билим юрти «Ташметрострой» учун кадрлар тайёрлаб бермоқда. Бу йил дастлабки талабалар билим юртини битириб чиқишади. Бўёқчи, сувақчи, проходкачи, электр пайвандчи ва бошқа шу каби бинокорлик касбларини эгаллаган бу ёшлар қурилишларда меҳнат қилишади. Улар айни вақтда ўрта маълумот ҳақида гувоҳнома ҳам олишади. Суратда: бўлажак автослесарлардан Игорь Карасев, Дамир Муротов ва Юрий Тошевлар лабораторияда амалий машғулотларда.

Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ).

ЭЛЛИКЦЕНТНЕРЧИ ПАХТАКОРЛАР САФИНИ КЕНГАЙТИРАЙЛИК

ҲОСИЛДОРЛИК РЕЗЕРВЛАРИ

Ўрта Чирчиқ райони пахтакорлари ўнинчи беш йиллиннинг тўртинчи йилида давлатга 50,5 минг тонна, планда белгиланганидан 5500 тонна кўп «оқ олтин» топширдилар. Пахта ҳосилдорлиги район бўйича гектар бошига ўртача 32,6 центнерни ташкил этди.

Омилкор пахтакорлар ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириш мумкинлигини амалда исботладилар. Энгельс номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Кан О Нам бошлиқ бригадаси коллективи ҳар гектар майдондан 56,5 центнердан «оқ олтин» етиштирди. Райондаги 13 та бригадада ҳосилдорлик 40 центнердан ошди.

Бироқ ўтган йил якунлари хўжаликларда пахта ҳосилдорлигини ошириш резервларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлигини ҳам кўрсатмоқда. 14 хўжаликдан 6 тасида, 77 та бригадада ҳар гектар майдондан олинган пахта ҳосили районнинг ўртача кўрсаткичидан паст бўлди. 30 та пахтачилик бригадасида эса ҳосилдорлик ҳатто 30 центнерга ҳам етмади. Ҳисоб-китоблар мазкур хўжалик ва бригадаларда ҳосилдорлик лоақал районнинг ўртача кўрсаткичига етказилганда давлатга яна 1500 тонна пахта топшириш мумкинлигини кўрсатади.

Илғор бригадаларда пахта ҳосилдорлигини оширишга қандай қилиб эришилди? Қолоқликнинг сабаби нимада? Махсус мухбиримиз шу саволлар билан райондаги бир неча бригадалар бошлиқларига мурожаат қилди. Қуйида уларнинг жавобларини тинглайсиз.

СЎЗ — ИЛГОРЛАРГА

ИШНИНГ ОМАДИ — ЎЗ ВАҚТИ

Ж. АЗИЗОВ,
Энгельс номли колхознинг бригада бошлиғи.

— Ўтган йили пахтакорларимиз 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41 центнердан хирмон уйдилар. Бу хўжалигимизда ва районимизда энг юқори натижалардан биридир. Пахта ҳосилдорлигини планда белгиланганига нисбатан 11 центнерга оширишга муваффақ бўлдик.

Деҳқончиликда «Ишнинг омади — ўз вақти» деган гап бор. Яъни ҳар бир ишни ўз вақтида сифатли бажарган деҳқоннинг хирмони баракали бўлади, омад унга чопади. Бригадамизда ҳам барча агротехника тадбирларини қулай муддатларда ўтказишга катта эътибор бердик. Чигит униб чиққандан ҳосил етилгунга қадар ғўза қатор оралари олти марта культивация қилинди. Тупроқни қиздириш, ҳаракатга келтириш мақсадида культивациялардан сўнг эгат олинди. Шундай қилиб ҳар суғориш оралиғида ғўзага икки марта ишлов берилди.

Бу ишларни бажаришда механизаторимиз Бадал Нуриевнинг фидойилигини алоҳида таъкидлаш лозим. У ғўза қатор ораларига ишлов бериш даврида тунда трактори чироқларини ёқиб, культивацияни давом эттирди. Сувчиларимиз Ҳ. Абдиев, П. Бердиев, А. Баратов, О. Қўзибоевлар ҳам кунни тунга улаб эгат ораладилар, ҳар туп ниҳолни оби-ҳаётга қондиришди.

Пахтакорларимиз ғўзани озиқлантириш, ҳашаротларга қарши кураш ва бошқа агротехника тадбирларини ҳам ўз вақтида ва соз ўтказдилар. Шу туфайли пахтамиз мўл бўлди. Лекин эришилган натижа биз учун чегара эмас. В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллик юбилейи йилида 50 центнерлик маррани эгаллашга қарор қилганмиз. Шу аҳдимизга яраша меҳнат қилиб, мўл ҳосилга пухта замин яратаётирмиз.

ҚАЛБ ҲАРОРАТИ БИЛАН

Б. ОҚБЕРДИЕВ,
Куйбишев номли колхоз бригада бошлиғи.

— Пахтани қуёш фарзанди, дейдилар. Ўтган йил эса, айниқса, баҳор ва ёз ҳарорати паст бўлди. Бу ғўзанинг амал олишига ва ҳосил тўплашига салбий таъсир кўрсатди. Бу табиат қийинчиликларини омилкорлик, фидокорона меҳнат билан енгиш мумкин эди. Бригадамиз аъзолари буни яхши тушунган ҳолда ҳар қачонгидан зўр ғайратшижоат билан меҳнат қилдилар. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш, эгинни озиқлантириш ва суғориш жадал суръатларда олиб борилди.

Ғўзанинг ривожланишдан орқада қолишини бартараф этишда механизаторларимиз Ҳ. Дадажонов ва А. Жумаевларнинг хизматлари катта бўлди. Ўтган йилги шароитда улар агрегатларига 36—40 тадан ишчи органлари ўрнатиб, культивацияни чуқур ўтказдилар, тупроқни майин қилиб юмшатдилар.

Маълумки, тез-тез ёғингарчиликлар бўлиб турганлиги оқибатида чигит эқиш билан бир йўла далага солинган ўғитларнинг талайгина қисми ювилиб кетиб, экинга нафи тегмай қолди. Шуни ҳисобга олиб, биз ғўзани биринчи ва иккинчи суғориш даврида гектарига 150—200 килограммдан азотли ўғитлар солдик. Ғўза вегетацияси даврида аса ҳар гектар ер ҳисобига 1 тоннадан қўй қийи ва парранда ғўнги солинди, маҳаллий ўғитлар шарбат қилиб оқизилди. Тупроқ картограммасига мувофиқ далаларга калий ўғитлари ҳам солинди.

Амалга оширган бу тадбирларимиз, янада муҳими — пахтакоркаримизнинг бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишлари натижасида 76 гектарнинг ҳар гектаридан 40,2 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Ҳосилдорлик 1978 йилга нисбатан салкам 8 центнерга кўпайди.

Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида 45 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилаётирмиз. Ҳозир кўкламги дала ишларини бошлаб юборишнинг учун техника воситаларимиз шай, ариқ-зовурларни тозалаб бўлдик, далага ғўнг чиқаришни қизғин давом эттираётирмиз.

СЎЗ — ҚОЛОҚЛАРГА

АИБ ЎЗИМИЗДА

С. БУКЕНБОЕВ,
Энгельс номли колхознинг бригада бошлиғи.

— Бригадамиз аъзолари бултур ҳар гектар майдондан 28,8 центнердан пахта ҳосилн олдилар. Биз планни бажарган бўлсакда, йил якунидан қаноатланганимиз йўқ. Чунки, бригадамизда пахта ҳосилдорлиги колхознинг ўртача кўрсаткичидан 7 центнер кам бўлди.

Ўтган йилги ишимизни чуқур таҳлил қилар эканмиз, ғўза парваришида жиддий камчиликларга йўл қўйганлигимизни англаётирмиз. Айниқса, ғўзани суғориш даврида пала-партиш иш тутдик. Шу туфайли айнагина майдондаги ғўзаларимиз чанқаб қолиб, гул ва шоналарини тўкиб юборди. Лекин, ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, бу фақат бригадамиз аъзоларининг айби эмас. Пахта майдонларимиз қирликда жойлашган, уларга насос орқали сув чиқариладн. Айни чилла пайтида бу насослардан бири ишдан чиқди. Шу сабабли бир ҳафта давомида насосдан сув чиқариб бўлмади.

Кейинчалик қанча ҳаракат қилмайлик, чўллатилган ғўза тупларидан тўкилиб кетган ҳосил нишоналарининг ўрнини қоплай олмадик. «Қозонда бўлса, чўмичга чиқади» деганларидек уйган пахта хирмонимиз далаларда етиштирилган ҳосилга яраша бўлди.

Бу йил бултурги хатоларнинг такрорланмаслиги учун сув чиқарадиган яна битта резерв насос ўрнатилиши чораларини кўраётирмиз. Кузги-қишки ишлар комплексида ер унумдорлигини оширишга алоҳида аҳамият берганмиз. Юбилей йилида ҳар гектар майдондан 36 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олдик.

КЕЙИНГИ ПУШАИМОН...

Р. ҚОДИРОВ,
Куйбишев номли колхознинг бригада бошлиғи.

— Кўчат бут бўлсагина, ҳосил мўл бўлади. Ўтган йилги тажрибамиз буни яна бир марта исбот қилди. Бригадамизда 70 гектар майдонга чигит экилган эди. У униб чиққач, ҳаво паст келиши, ёғингарчиликлар натижасида ёш ниҳоллар илдиз чириш касаллигига чалиниб, бир қисми нобуд бўлди. Биз бунга ўз вақтида эътибор бермадик. Кўчат сийрак жойларга кечиқиб чигит ташланганлиги учун, бу ғўзалар ҳосили ниҳоятда кеч бўлиб қолди.

Ўтган йили йўл қўйган хатоларимиздан яна бири — бегона ўтларни ўз вақтида йўқ қилиб ташламадик. Натижада ёввойи ўтлар ғўзанинг озуқасита шерик бўлди, уни қуршаб олиб, нимжон қилиб қўйди. Сўнг бу ўтларни йўқотишда шошқалоқлик қилиб, ғўзаларнинг бир қисмини нобуд бўлишига йўл қўйдик.

Умуман ҳар бир агротехника тадбири ўз вақтида бажарилмаса, кейин бой берилган фурсатни қайтариб бўлмас экан. Биз ола жойларига чигит экишда, бегона ўтларни йўқотишда сусткашлик қилганимиз учун, ғўзани культивация қилиш, озиқлантириш ва суғориш муддатларини ҳам чўзиб юбордик. Шунинг учун пахтамиз кечки, ҳосили ҳам яхши тош боғмайдиган бўлиб қолди. Бригадамизда 70 гектар ердан 29,3 центнердан пахта йиғиштириб олинди, холос. Бу колхозимизда энг паст кўрсаткичлардан бири.

Ўтган йилги якунлар бригадамизда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш — энг муҳим масала эканлигини кўрсатди. Чунки, дала ишларининг энг тиғиз пайтларида баъзи колхозчиларимиз ишга кеч чиқиб, эрта қайтадиган бўлдилар, прогулларга йўл қўйдилар. Яқинда биз бу масалани муҳокама қилиб, меҳнат интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга келишиб олдик. Беш йилликнинг якунловчи йилида аҳиллик билан ишлаб, пахта ҳосилдорлигини 35 центнерга етказиш учун курашамиз.

* * *

Ер шароитлари, иш куроллари деярли фарқ қилмайдиган, бир ариқдан сув ичадиган бригадалардаги пахта ҳосилдорлиги турлича бўлди. Бу тафовутнинг айрим сабабларини илғор ва қолоқ бригадалар етакчиларининг ўзлари изоҳлашга ҳаракат қилдилар. Уларни асосли деса бўлади.

Айни пайтда хўжаликлар ва бригадаларда ҳар гектар майдондан олинадиган ҳосилда 10 центнер ва ундан ҳам катта фарқ борлиги ушбу коллективларнинг ерга, ўз касбларига, бурчларига муносабатини кўрсатиб турибди. Бу тафовутни бартараф этмай, қолоқларнинг илғорлар даражасига тенглашишга эришмасдан пахта етиштиришни кескин кўпайтириш қийин. Шундай экан ҳосилдорликни ошириш резервлари тўла ишга солиниши, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида элликцентнерчилар ҳаракати янада кенг қулоч ёздирилиши лозим. Зеро, ҳосилдорликни ошириш ялпи пахта ҳосилини кўпайтиришнинг энг катта резервидир.

Э. ЭРНАЗАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ПБИПнинг VIII съезди очилди

ВАРШАВА, 11 февраль. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун поляк коммунистлари, социалистик Польшанинг барча меҳнаткашлари катта ва қувончли воқеани нишонламоқдалар. 35 миллионли халқнинг етакчи кучи ва социалистик қурилиш ташкилотчиси бўлган Польша бирлашган ишчи партиясининг VIII съезди Варшавадаги Маданият ва фан саройида иш бошлади.

Кенг конгресслар зали байрамона безатилган. 3 миллиондан ортиқ поляк коммунистлари армиясидан вакил бўлиб келган 1847 делегат бу ерга тўпланди.

Съездга қардош социалистик мамлакатлардан, Европанинг кўпгина давлатларидан коммунистик ва ишчи партияларнинг делегациялари келдилар. Улар орасида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг делегацияси бор.

Кундуз соат 16. Конгресслар залида партия гимни «Интернационал» куйи янграйди. Сўнгра ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Герек съезд делегатларини табриклаб нутқ сўзлайди.

ЭДВАРД ГЕРЕК ДОКЛАДИ

ВАРШАВА, 12 февраль. (ТАСС). Польша бирлашган ишчи партиясининг бугун шу ерда очилган VIII съездида ПБИП Марказий Комитети биринчи секретари Э. Герек бундай деди: Польша коммунистларининг шу анжуман эришилган муваффақиятларни ҳар томонлама синчиклаб кўздан кечириши ва якунлаштириши, Польшанинг ички ва халқаро аҳволига баҳо бериши, партия билан халқ давлати сиёсатининг мақсадларини, шунингдек социализм қурилиш янада тараққиёти, ватанимизнинг хавфсизлигини ва муваффақиятли ривожланишини таъминлайдиган иш формалари ва методларини белгилаб бериши керак.

Съезд арафасида Марказий Комитет тезисларининг умумхалқ томонидан муҳокама қилиниши меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришдаги ғайратини ва ижтимоий активлигини оширишга ёрдам берди. Бу эса мамлакатнинг янги моддий ва маънавий бойликларини кўпайтиришга кўмаклашди. Съездга тайёргарлик ишларида бутун партия, шунингдек партиясизлар иштирок этишди.

Бундан 10 йил муқаддам бизнинг партиямиз оғир бир шароитда, ўзининг тўплаган тажрибаларига таянган ҳолда мамлакатимизда ривожланган социалистик жамият қуришнинг социал иқтисодий программаси — стратегиясини ишлаб чиққан эди, деб сўзини давом эттирди докладчи. ПБИП VI ва VII съездлари белгилаган йўл ватанимизнинг жуда катта муваффақиятларга эришувини таъминлади, бутун халқнинг қўллаб-қувватлашига сазовор бўлди. Биз бу йўлни бундан буён ҳам давом эттираверамиз.

1971 йилдан бошлаб реал иш ҳақи 50 процентдан ошёд, реал даромадлар ижтимоий тўловлар билан қўшиб ҳисоблаганда, қариб 75 процент ошди. Қурилиш саноатининг ривожланиши ва уй-жой қурилиши суръатининг кучайтирилиши туфайли 9 миллион граждан, яъни мамлакат аҳолиси тўртдан бир қисмидан кўпроғи янги шинам уйларга кўчиб кирди.

ПХРда шунингдек 450 га яқин йирик корхона қурилди, бир неча минглаб саноат объектлари янгиланди, 70-йилларда миллий даромад деярли 85 процент ошди.

Партиянинг раҳбарлик роли социалистик қурилишнинг асосий ленинча принципидир, деб уқтириб ўтди докладчи.

Шундан кейин Э. Герек Польшанинг бутун тарихий тажрибасидан келиб чиқадиган энг асосий наказ — халқнинг хавфсиз ва тинч шароитда яшаши тўғрисида ҳар томонлама ғамхўрлик қилишдан иборатлигини гапирди.

Ленинизм — бизнинг йўлчи юлдузимиз, деб таъкидлади ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари. Ленин поляк ишчилар ҳаракатининг ривожига жуда катта таъсир кўрсатди, у Польша мустақиллигининг қизғин тарафдори, халқимизнинг қадрдон дўсти эди. Ленинизмнинг мислсиз аҳамияти шундаки, у ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатларини, социал ривожланиш қонуниятларини ифодалайди, деб таъкидлади Э. Герек.

СССР билан дўстлик, иттифоқ ва ҳамкорлик поляк халқи ва давлатининг ҳаётий манфаатлари учун гоят катта аҳамиятга эгадир. Улуғ рус халқининг ва бошқа совет халқларининг 600 мингдан кўпроқ фарзанди мамлакатимизни гитлерчилар оккупациясидан озод этишда жонларини фидо қилдилар. Уларнинг жасорати поляклар хотирасида абадий қолади.

Мен шуни эўр мамнуният билан таъкидлаб ўтаманки, деди Э. Герек, ўтиб бораётган ўн йил ичида Польшанинг СССР билан муносабатлари янада мустаҳкамланди. Иккала қардош партияларнинг бригаликда ҳаракат қилганлиги туфайли дўстона ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Польша билан СССР ўртасидаги иттифоқ, дўстлик ва ҳамкорлик социалистик давлатлар ҳамдўстлиги куч-қудратининг муҳим омили, Европада вазиятни барқарор қилишнинг жуда катта воситасидир.

Халқ Польшаси ер юзида халқлар ўртасидаги ишонч вазиятини мустаҳкамлашга, тинчликни кучайтиришга катта ҳисса қўшмоқда. Биз халқаро кескинликни юмшатиш ва ижтимоий тузумларни турлича бўлган давлатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантириш учун изчиллик билан курашмоқдамиз, деди Э. Герек. КПССнинг узоқ истиқболни кўзлаган тинчлик программаси ғояларидан шу курашнинг ва жаҳонда юз бераётган бошқа жараёнларнинг негизидир. Тинчлик программаси Л. И. Брежневнинг номи билан чамбарчас боғлангандир.

Сиёсий кескинликни юмшатиш жараёнининг ҳарбий кескинликни юмшатиш жараёни билан тўлдирилиши сиёсий кескинликни камайтириш жараёнини чуқурлаштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. СҚЧ-2 тўғрисида ўтган йили Совет — Америка шартномасининг имзоланишини биз умидворлик билан кутиб олдик. Шунинг учун ҳам эндиликда АҚШ конгрессининг бу шартномани ратификация қилишни кечиктириш тўғрисидаги қароридан биз гоят ташвишланмоқдамиз. Жаҳон халқлари эса бу шартноманинг ратификация қилинишини кутмоқдалар.

НОДЎСТОНА ҲАРАКАТ

ҚОҲИРА, 12 февраль. (ТАСС). Президент Садат Исроил билан тобора яқинлашиб ва у билан муносабатларни тўла-тўкис қайта тиклаб, Совет Иттифоқи билан муносабатларни ёмонлаштиришга қаратилган қарорларни кетма-кет қабул қилиб турибди. Жумладан, МЕН агентлигининг хабар қилишича, Миср-Совет дўстлик жамияти тарқатиб юборилиши эълон қилинди.

Шу муносабат билан Миср-Совет дўстлиги жамияти бу ерда ўз раиси Муҳаммад Абдулсалом аз-Зайённинг баёнотини тарқатди. Баёнотда жамият ўз фаолиятини давом эттириш ниятида эканлиги айтилган.

Баёнотда айтилишича, «Ал Аҳбор», «Ал Аҳром» ва «Ал Жумҳурия» газеталари МЕН агентлигининг хабарига асосланиб жамиятнинг Искандария бўлими тарқатиб юборилганлиги тўғрисидаги ахборотни эълон қилиб, гўё Миср-Совет дўстлиги жамиятининг Қоҳирадаги резиденциясида жойлашган бош бўлими ўзини ўзи тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилди, деб кўрсатишга урунди. Ҳақиқатда эса, деб уқтирилади баёнотда, жамиятнинг Қоҳирадаги аъзоларидан бирон киши шу масала юзасидан ҳеч қандай йиғилиш ўтказилишини талаб қилган эмас ва жамият ўзини ўзи тарқатиб юбориш тўғрисида ҳеч бир қарор қабул қилгани йўқ.

Ж. КАРТЕРНИНГ НИЯТЛАРИ ИСЛОМ ПРИНЦИПЛАРИГА ХИЛОФ

АҚШ президенти Ж. Картернинг Ислом динини ўрганиш факультети намояндалари билан учрашувдаги нутқи хусусида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармасининг раиси муфти Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди:

— Жаноб Картернинг сўзлари ҳар бир мусулмоннинг олло таолога илтижо қилиш пайтидаги туйғуларига мутлақо хилоф бўлиб эшитилди. Пайғамбаримиз бизга саминият — ислом динининг, бутун инсониятнинг энг табаррук фазилатларидан бири, деб таълим берган. Аммо АҚШ президентининг ўз мамлакати мусулмонлар олами билан «дўстлик муносабатларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга интилаётганлиги тўғрисидаги сўзлари тамомила соҳта эканлиги аён. Чунончи, жаноб Картер: «биз халқаро можароларни, шу жумладан мусулмонлар оламига даҳлдор бўлган Араб—Исроил можаросини тинч йўл билан ва адолат асосида бартараф этишга қўмаклашмоқ учун куч-ғайратларимизни сарфлайверамиз», деган гапни айтишни ўзига эп кўрди.

Бироқ, АҚШ неча ўн йиллардан буён Яқин Шарқдаги мусулмон халқларига тиштирноғи билан душман бўлган Исроил сионистларини қурол ва пул билан қўллаб-қувватлаб келаётганини мусулмонлар дунёси яхши биладн. Юз мингдаб мусулмонлар — эркаклар, аёллар, болалар Исроил босқинчилари қўлида ҳалок бўлдилар. Уз ватани ва бошпанасидан маҳрум бўлган миллионлаб фалластинликлар Исроил ва унинг америкалик ҳомийлари дастидан ҳалигача бутун дунёда сарсон-саргардон бўлиб юрибдилар.

Жаноб Картер «ислома нисбатан иззат-икрома тўғрисида гапирди. Исроил баттоллари Қуддусдаги табаррук Ал-Акса масжидига ўт қўйган пайтда АҚШ ҳукмдорлари бу муқаддас саждагоҳнинг ҳимоятига бир оғиз ҳам сўз айтмаган эдилар. Ўшандан бери масжид неча марталаб таҳқирларга дучор қилинди, шунда ҳам ғарб мамлакатлари, шу жумладан жаноб Картер норозилик билдирмади.

Жаноб Картер «мусулмон мамлакатлари билан дўстлик, ҳамкорлик ришталари» тўғрисида гапирди. Аммо бу гапга тарих сабоқларидан ҳеч қандай хулоса чиқармаган кишигина ишониши мумкин. Масалан, Миср Сувайш каналини ўз ихтиёрига олишга қарор берган пайтдаги воқеалар дунё аҳлининг эсидан чиққани йўқ. Ғарб бунга жавобан бевосита аралашиш билан дўқ урди. Қўшма Штатлар эса яна бир разолат «қуролини ишга солиб, Миср халқини оч қолдириш билан дўқ қилди. Дунёнинг мана шу катта давлати Мисрга бугдой етказиб беришни тўхтатишга қарор берди. Ушанда Совет Иттифоқи Миср халқининг ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар йўлидаги курашида унга қардошлик қўлини узатди.

Америка империалистлари ҳақиқий куролни ҳам унутаётганлари йўқ. АҚШнинг ҳарбий кучлари Эрон Ислом Республикасини бўғиб ташлаш мақсадида шу мамлакатга яқин жойларга келтириб қўйилмоқда. Хўш, бу ишларни мусулмон мамлакатларига нисбатан дўстона туйғулар тўғрисидаги сўзлар билан қандай қилиб қовуштириб бўлади? Покистонга эўр бериб қурол-яроғ етказиб берилаётгани, бу ерда мусулмон мамлакати бўлмиш Афғонистонга бостириб кирадиган сотқинлар тўдаси тайёрланаётганини бу ишлар билан қандай қилиб қовуштириб бўлади?

Инсоф-диёнатли кишиларга равшанки, бу ўринда гап АҚШнинг Яқин Шарқдаги нефть конларини ўз қўлига олишга, шу регионда ўз хукмронлигини ўрнатишга интилаётганлиги тўғрисида бормоқда.

Гўё СССР «мусулмонлар мамлакатида уруш қилмоқда» деган даъволарга келганда, биз шуни эўр қатъият билан билдирамизки, совет қўшинлари Афғонистонга Афғонистоннинг қонуний хукумати илтимосига биноан, шу мамлакатнинг бутунлиги ва суверенитетини сақлаб қолиш мақсадида киритилган.

Пировардида муфти бундай деб таъкидлади:

— Жаноб Картернинг сўзлари унинг Ислом дини принципларига эзид бўлган ҳақиқий мақсадларини яширишни кўзлайди.



13 ФЕВРАЛДА Совет Армияси Венгрия пойтахтига 35 йил бўлди. Суратларда: совет солдатлари 1945 йилда Венгрия парламенти биносига Қизил Байроқ ўрнатдилар; Будапештнинг турар-жой районларидан бири.

МТИ—ТАСС фотолари.

РАССОМНИНГ ЮБИЛЕЙ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон ССР архитекторлар Союзининг кўргазмалар залида тошкентлик таниқли рассом Анвар Назировнинг туғилганига олтмиш йил тўлиши муносабати билан ижодий кўргазмаси намойиш этилмоқда.

Рассомнинг қариб 35 йиллик ижодий фаолияти тасвирий санъатнинг живопись, плакат, графика, карикатура каби жанрлари билан боғланган. Мусаввир ижодининг мавзун доираси кенг ва ранг-баранг бўлиб, улар орасида айниқса коммунизм бунёдкорининг характерини ифодалаш, халқимиз бугуни ва ўтмишини таққослаш, улуғ инқилоб доҳийси В. И. Ленининг образини яратиш каби темалар бўртиб кўринади. Шунингдек А. Назиров ўз асарларида санъатнинг халқ ҳаёти билан мустаҳкам алоқасига алоҳида бир меҳр билан ёндошганини кузатиш мумкин. Рассомнинг барча асарларида ҳаётга муҳаббат, халқимизнинг яратувчилик меҳнатидан ҳайратга тушиши, гўзалликни нозик ҳис этиши ва ижодкорлик маҳоратини сезасан киши.

Мусаввирнинг кўпгина ишларида Ангрен шахтёрлари, Бекобод металлургларида, Қарши чўлқуварлари, республикамиз фахрига айланган донгдор механизатор, колхозчи, чўпон ва бинокорларнинг образлари яратилган. Қайроккум ГЭСи қурувчилари, довруғи етти иқлимга кетган Самарқанд ва Хиванинг бебаҳо архитектура ёдгорликлари, жаҳонга таниқли замондошларимиз («Тамарахоним портрети», «Мукаррама Турғунбоева», «Ҳамид Олимжон ва Зулфия») портретлари билан танишиб мўйқалам сехридан эстетик завқ оладилар. Ҳа, уларда бугунги Совет Ўзбекистонининг ҳаёти ўз ифодасини топган.

«Охунбобоев деҳқонлар ҳузурида» деб аталган картина тасвирий санъат ихлосмандларига яхши таниш. Унда ўзбек халкининг оқсоқоли, республикамизнинг биринчи президентининг бетакрор образи яратилган. Йўлдош ота Охунбобоев оддий деҳқонлар билан самимий суҳбатга киришган ҳолда тасвирланган.

Рассомнинг илғор шахтёрларга бағишланган асарлари ҳам томошабинлар диққатини тортмай қолмайди, негаки санъат асарларимиз орасида ишчилар синфининг қаҳрамонона меҳнатини акс эттирувчи яхши асарлар афсуски, жуда кам. Мусаввирнинг «Шахтёр» картинасида қадди-қомати келишган, жасур қиёфадаги замондошимиз образини кўрамиз. Меҳнат кишисининг бир қарагандаёқ намоён бўладиган ички куввати шу ўринда йирик планда, яширин жисмоний кучни бўртириброқ акс эттириш воситасида амалга оширилган.

Намойиш этилаётган асарлар орасида графика жанрига мансуб ишлар ҳам эътиборни тортади. Ўзбек халқ эртакларига ишланган туркум иллюстрацияларда (гарчи улар кам бўлса-да) санъаткорнинг ижодий топқирлигига тан бериб завқланасан киши. Рассом безак ишлаган китоблар ҳам беткарор нафосати билан китобсеварларга манзур бўлади. Графика санъати сирларини яхши эгаллаган А. Назиров бадиий асарда тасвирланаётган воқеа ва характерлар қайси даврга мансуб бўлишидан қатъий назар гоҳ тиғиз график шаклга, гоҳо аксинча — қоғозда кўпроқ очиқ жой қолдириш усули билан (хусусан Хиромийнинг «Тўрт дарвиш» достонига безак) асар ғоясига монанд тасвирлар яратади.

Рассомнинг табиат манзаралари акс этган асарлари ҳам маҳорат билан ишланган бўлиб, беадад кенгликларнинг нурга бойлиги, тасвирларнинг тиниқлиги уларни лирик жозибадан маҳрум қилмайди.

Мусаввирнинг плакат жанридаги ишларида ҳам ижодий топқирлик билан таъсирчан шаклларга мураккаб мазмунни бера олгани диққатга сазовор. Шунинг учун рассомнинг баъзан рамзий маънодаги плакатлари томошабиндан узоқ бош қотиришни талаб этмайди. Негаки А. Назиров плакат жанри хусусиятларини пухта эгаллаган, шу сабабли ҳам унинг плакатларида илгари сурилган мазмун осонликча англашилади. Айниқса, «Коммунизм ғалаба қилади!», «Халқ олдидаги бурчимизни шараф билан адо этамиз!» деб номланган плакатларда ижодкорнинг мақсади аниқ ифодасини топган.

Кўргазмага қўйилган асарлар орасида рассомнинг В. Кайдалов ва В. Владимировлар билан ҳамкорликда яратган «Ўзбекистон қардош халқлар оиласида» альбоми санъат шинавандаларини ўзига жалб этади. 22 та плакатдан ташкил топган бу альбом мавзу жиҳатидан узвий боғланган бўлиб, ҳар бир асар муайян давр ва характерли тарихий воқеани акс эттиради. Бу туркум плакатларда ўзбек халқини ўз озодлиги учун, она тупроғимизда Улуғ Октябрь Социалистик революцияси ғалабаси ва коммунизм ғояларининг тантанаси учун кураш мавзуи ўз ифодасини топган. Рассомлар асарларида плакат тили билан халқимизнинг сержило ҳаётини, меҳнат жасоратини кўрсатиб беришга муяссар бўлишган.

Кўргазмага ташриф буюрган тасвирий санъат шайдолари ўзининг 60 йиллик юбилейини нишонлаётган Анвар Назировнинг совет кишиларининг фаровон ҳаёти ифодаланган асарлари билан яқиндан танишар эканлар, таниқли рассомнинг профессионал билими, тажриба ва маҳоратининг гувоҳи бўладилар.

Т. ОДИЛБЕКОВ.
санъатшунос.

Суратларда: рассом А. Назировнинг «Коммунизм ғалаба қилади!», «Бутун ҳокимият, Советларга!» (плакат) ва «Шоҳра Нодира» (портрет) асарлари.

Муаллиф ва Х. Мирзакаримов фоторепродукциялари.

ЎҚУВ ЛАБОРАТОРИЯ

ЁШЛАР билимининг янада бой ва мустаҳкам бўлишини таъминлаш мақсадида олий ўқув юртларида алоҳида тайёрлов бўлимлари очилган. Ўзига хос илм ва маҳорат мактаби вазифасини ўтаётган бу хил учоқлар ҳар йили кўплаб ўғил-қизларни абитуриентликка тайёрлайди.

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институтида ишлаб турган тайёрлов бўлими ҳам ўз фаолиятини кенгайтириб юборди. Машғулотлар олиб бориш учун тажрибали педагог олимлар жалб қилинди.

Физика фани юзасидан ташкил этилаётган дарслар ҳам жуда қизиқарли бўлаяпти. Машғулотларда кўргазмали ўқув қуролларидан кенг фойдаланилмоқда. Ўқитишнинг амалий-назарий семинарлар каби турлари ҳам қўлланилмоқда.

Ўқув лабораториясининг очилиши нур устига аъло нур бўлди. Бунинг учун алоҳида хоналар ажратилди. Физика кабинети ҳам у билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Ўқув лабораторияси замонавий асбоб-ускуналар, жиҳоз ва диаграммалар билан тўла таъминланди. Бунда физика кафедраси ўқитувчиларининг хизмати каттадир.

Кафедра олимлари томонидан ёзилган «Тайёрлов бўлими тингловчилари учун физика бўйича лаборатория ишлари» қўлланмаси бўлажак студентларга тортиқ қилинди. Бундай тўплам ўзбек тилида босилиб чиққан биринчи адабиёт эканлиги билан ҳам эътиборга сазовордир.

А. ВАЛИЕВ.

МАЗМУНЛИ УЧРАШУВ

Йўлдош Охунбобоев номли ёш томошабинлар театрининг санъаткорлари В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигига бағишлаб республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида ижодий учрашувлар ўтказишмоқда. Айниқса, театр коллективининг Чиноз районидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Азимов раислик қилаётган Охунбобоев номли колхоз меҳнаткашлари билан дўстона алоқалари йилдан йилга мустаҳкамланиб бормоқда.

Санъаткорлар ўз оталиқларидаги бу колхозда тез-тез бўлиб турадилар. Яқинда театр аҳли колхозчиларнинг меҳмони бўлишиб, Х. Аккапов саҳналаштирган «Нури дийдам Володя» спектаклини намойиш қилдилар. Сўнгра Ўзбекистон халқ артисти Обид Толипов томошабинлар кўз ўнгида доҳий образини гавдалантирди. Таниқли актёр В. И. Ленининг комсомол III съездидаги «Коммунистик ёшлар союзининг вазифалари» ҳақидаги машҳур нутқини ва доҳийнинг Шарқ халқларига мурожаатини декломация қилиб, томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Шунингдек, учрашувда Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари Лутфулла Саъдуллаев ва Ҳайрулла Саъдиев, Ўзбекистон халқ артистлари Муҳаббат Йўлдошева, Манзура Ҳамидова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари Енгин Мирзо, Гулландом Ғуломова, артистлардан Т. Миралиев, Г. Саъдуллаева ва бошқалар актив иштироқ этдилар.

Театр коллективи Ленин кунларида 50 дан ортиқ ана шундай учрашув ва суҳбатлар ўтказишни мўлжалламоқда.

Р. ЕРИЕВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

21 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 да

ЛИРИК ХОНАНДАЛАР, РАҚҚОСЛАР ВА ҲАЖВИЯЧИЛАР ДАВРАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати
Карима УЗОҚОВА.
Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Нурриддин ҲАЙДАРОВ, Исмонжон ТУРДИАЛИЕВ, Тоштемир ТОИРОВ, Аъзам ҒОЗИЕВ, Насиба ЭГАМБЕРДИЕВА, Улмасхон НУРМАТОВА, Саттор ИСЛОМОВ (оригинал жанрда).
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.
Программани — Мамасоли ХОЛМАТОВ ва Мирзаҳошим КЕНЖАЕВ олиб борадилар.
Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

Тошкент давлат циркида
ЯНГИ ПРОГРАММА
(2 бўлимда)

«БУГУН ВА ҲАР КУНИ»

АРЕНАДА БИРИНЧИ МАРТА
ВАЛЕРИЙ КУЗЬМИН РАҲБАРЛИГИДА
УРГАТИЛГАН БУҒМА
ИЛОН БИЛАН ТИМСОҲЛАР
Доимо мәнежда масхарабоз ҳазиллари ва репризлари.
Таниқли масхарабоз, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Евгений МАЙХРОВСКИЙ ижросида интермедиялар.
Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00, 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.
Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.
Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.
Корхоналар, ташкилотлар, ўқув юртлари, болалар муассасалари, колхозлар, совхозларнинг заявкалари бўйича билетлар кассирлар томонидан жойларга бориб сотилади.
44-35-84 телефон номери бўйича заявкалар қабул қилинади.

Телевидение

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Ленин Польшада. Бадиий фильм. 11.50 — Концерт. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Шахмат мактаби. 16.20 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 16.50 — Горячилар, қаердасиз? 17.20 — В. Моцарт. 20-симфония. 18.00 — Ёшлар адреслари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фильм-концерт. 20.05 — Врач суҳбатлари. 20.35 — Спектакль. 21.30 — Время. 22.15—23.15 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. Хоккей. СССР—Япония терма командалари. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Физикадан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Сузиш бўйича қишки Ўзбекистон чемпионати. 12.30 — Электромагнит нурланиш шкаласи. 13.00 — «Сатурн» пайидан. Бадиий фильм. 16.20 — Мультфильм. 18.25 — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги олдидан. 18.45 — «Зангори экран» почтаси. 19.15 — Мўл ҳосилга пухта замин. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Балетнинг яратилиши. 20.20 — Хива гиламлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Бахт тароналари. 21.30 — Время. 22.15 — Ғалабадан сўнгги жанг. Бадиий фильм. 1-серия. 23.35— Бугун оламда нима гап?

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Сайловдан сайловгача. 20.55— Физика. 21.55 — Д. Пеева. «Еттинчи» қадаҳ. 2-қисм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 13/II да **Оққуш нўли**, 14/II да **Чио-Чио-Сан.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/II да **Қалби олов**, 14/II да **Истеҳком.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13/II да **Шаҳзода ва етим қиз**, 14/II да **Ўжарлар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/II да **Можаро.**

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
СССР биринчилиги учун биринчи лига командалари ўртасида

ХОККЕЙ

13, 14 февраль соат 19.00 да «ЛОКОМОТИВ» (Москва) — «БИНОКОР» (Тошкент).
17 февраль соат 17.00 да, 18 февраль соат 19.00 да. «КРИСТАЛЛ» (Саратов) — «БИНОКОР» (Тошкент).
Билетлар сотилмоқда.

«КАЗАХТРАНСТЕХМОНТАЖ» трестининг

44-ВОДРЕМИ

Целиноград шаҳридаги ўқув пунктида слесарь-сантехник, электромонтажчи, электр-газ пайвандчи, слесарь-монтажчиларни ихтисослари бўйича ўқитиш учун

ИШЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш даврида 75 сўм стипендия тўланади.
ЎҚИШ МУДДАТИ БИР ЯРИМ ОЙ
Ўқишни тугатганлар Тошкент шаҳри ва областида ишлайдилар.
МЕҲНАТ ҲАКИ — ИШБАЙ-МУКОФОТЛИ ВА ИШ КЎЧМА ХАРАКТЕРДА БЎЛГАНЛИГИ ЎЧУН 30 ПРОЦЕНТ ҚЎШИМЧА ҲАҚ ТЎЛАНАДИ.
Қабул қилинганларга уч йил ичида квартира берилади. Елғиз кишилар ётоқхона ва Тошкент шаҳрида прописка билан таъминланадилар.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Черняков кўчаси, 70-уй (1, 5, 2, 10-трамвайлар, 22, 25, 39, 55, 66, 63-автобуслар-нинг «Космос» магазини бекати).

«Ўзглавтоплесстройторг» ТОШКЕНТ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ЕНИЛҒИ БАЗАЛАРИНИНГ

ЕНИЛҒИ СКЛАДЛАРИ САВДОСИДА
АНГРЕН, КУЗБАССК ВА ҚАРАГАНДА КЎМИРЛАРИ МАВЖУД

Гражданлардан янка буюртмалар қабул қилинади ва шаҳардаги корхона раҳбарларидан кўмирни марказлаштирилган ҳолда уйга етказиб бериш учун коллектив

ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
ЕНИЛҒИ СКЛАДЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ:
1—2-Ипподром проезди, 58-уй.
2—Уста Ширин кўчаси, 136-уй.
3—Ш. Руставели кўчаси, 103 «а»-уй.
5—Полевая кўчаси, 52-уй.

Бутуниттифоқ пўлат конструкциялар ва илмий-тадқиқот конструкторлик-технология институтининг

ностандарт ускуналар бўлимига ва Тўйтепа металл конструкциялар заводига

Институтда ишлаш учун лойиҳа катта конструктори ва етакчи конструктор;
ЗАВОДДА ИШЛАШ УЧУН: ностандарт ускуналар механика ишлаб чиқариш бошлиғи, участка бошлиқлари, инженер-конструкторлар

КЕРАК.

Барча мутахассислар маълумоти — механик бўлиши зарур.
Завод квартиралар билан таъминлайди. Болалар боғчаси бор.
Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Тўйтепа шаҳри, металл конструкциялар заводи (Революция хиёбони — Тўйтепа автобуси).

ТАРИХИЙ САНАГА БАҒИШЛАБ

ТОШКЕНТ амалий санъат экспериментал ижодий комбинатининг Комилжон Каримов бошлиқ наққошлар бригадаси катта ишга қўл урди. Улар Ўзбекистон халқлари тарихи музейида буюк аллома Абу Али ибн Синога бағишланган кўргазма залларида иш бошладилар. А. Абдураззоқов, А. Мўллабоев, М. Турсунов, О. Қосимбеков каби 20 кишидан иборат бригада аъзолари Ўрта Осиёлик буюк олим яшаган давр руҳини ўзида мужассам этувчи ўзбек нақшлари билан кўргазма залларини безашмоқда.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Комилжон Каримов бошчилигидаги наққошлар кўргазмаси бадиий безаш ишларини жаҳон пролетариат доҳийси В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги арафасида якунлашга аҳд қилишган.

— Бу бизнинг доҳий Ленин юбилейига совғамиз бўлади,— дейди безаш ишлари муаллифи К. Каримов. Шу билан бир қаторда биз В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали бир залини ўзбек нақшлари билан безаб, уни ҳам Ильич туғилган куннинг 110 йиллигига туҳфа этамиз.

М. ЗОКИРОВ.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ОЛИМПИАДАДА ҚАТНАШИШГА УМИД БОҒЛАБ

Шу кунларда республикамизнинг 60 дан ортиқ спортчилари Москва олимпиадасида иштирок этишга умид боғлаб, машқ қилишмоқда. Улар халқаро мусобақаларда, Бутуниттифоқ турнирларда, чемпионатларда мураффақиятли қатнашишга ва шу билан мамлакат терма командаси сафларидан ўрин олишга ҳаракат қилишмоқда.

Камончиларимиз Наталья Бутузова билан Ольга Роговалар Италияда ўтказилган ўқув машғулотларида яна мамлакатда энг кучлилардан эканлигини исботлашди. Улар тўрт мамлакат мерганлари иштирокида ўтказилган бахсда иккинчи-учинчи ўринларни эгаллаб, Олимпиадада иштирок этишга астойдил умидвор эканликларини исботладилар.

Куни кеча Москвада ниҳоясига етган СССР биринчилигида қатнашган классик курашчиларимиз ҳам Олимпиада йўлланмаси учун бахслашдилар. СССР халқлари VII спартакнадаси чемпиони Комил Фаткулин бу сафар тўртинчи ўринда қолди. Унинг командадош дўсти Александр Баранов эса 74 килограммгача полвонлар бахсида қатнашиб, ҳал қилувчи олишувда олимпиада чемпиони Анатолий Биковга ютқазиб қўйиб, иккинчи ўрин билан қумуш медалга сазовор бўлди.

Шу кунларда бошқа бир қатор спорт турлари бўйича мамлакат терма командаларига номзод бўлган олимпиадачиларимиз ҳам сўнгги синовлардан ўтишмоқда.

ОЛИЙ ЛИГАНИ КЎЗЛАБ

Бухоро шаҳрида мамлакат чемпионати биринчи лигаси финалчилари ўртасида ўтказилган дастлабки давра ўйинлари ниҳоясига етди. Тошкент давлат университети баскетболчилари еттита учрашув ўтказиб, ҳаммасида ғалабага эришдилар. Ҳамшаҳарларимиз кейинги турларда Николаевнинг кемасозлик институти коллективини 100:81, Челябинскнинг «Динамо» командасини 106:71 ҳисобида енгдилар.

Биринчи лига вакиллари ўртасида ягона пешқадамлик қилаётган «Университет» ўз олдига қўйган мақсад — олий лигага чиқиш умидида дадил қадам ташламоқда. Шу ой охирларида Челябинск шаҳрида ўтказиладиган иккинчи давра ўйинларидан кейин якунловчи жадвалда биринчи-иккинчи ўринни эгаллаган икки коллектив олий лигада сўнгги ўринларда қолган команда билан биргалашиб бир даврада бахслашади. Ана шу узнга хос сўнгги тўсиқда ғолиб келган икки коллектив олий лигага чиқади. Бу йил бутун мавсум давомида бор-йўғи уч марта ютқазган «Университет»нинг (28 та саралаш учрашуви ва финалда ўтказилган 7 ўйин давомида) ўйинидан-ўйинга маҳорати ортиб бораётганлиги қувонарлидир.

Команда ветеранлари Ю. Тихонов, С. Гаврилов, Г. Авдеев, А. Шукшин, В. Филюшкин ва бошқаларнинг тажрибаси ёшлар ғайрат-шижоати билан ҳамоҳанг бўлаётганлиги сабабли команда муваффақиятларга эришмоқда.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЎЙИНЛАР

Бугун Свердловск шаҳрида волейбол бўйича аёллар ўртасида олий лига командаларининг сўнгги якунловчи ўйинлари бошланади. Бир даврада ўтказиладиган бу учрашувлардан сўнг медаль эгалари маълум бўлади. Бу йил ғолибликка асосан икки команда — Свердловскнинг «Уралочка» ва Ленинграднинг ТТУ командалари даъвогар бўлиб турибдилар. Бу икки коллектив ҳисобида 12 тадан очко бор. Ундан кейинги ўринларда ЦСКА командаси (8 очко), Москва динамочилари ва Тошкентнинг «Автомобилист» командаси (6 тадан очко), Киевнинг «Сокол» клуби (5 очко) боришмоқда.

«Автомобилист» бугун биринчи учрашувни «Сокол» коллективи билан ўтказади.

ЧЕМПИОНЛАРНИНГ ЯРМИ ТОШКЕНТДАН

Ўсмирлар ўртасида эркин кураш бўйича Олмалиқда ниҳоясига етган республика шахсий команда чемпионатида тошкентликлар олтин медалларнинг ярмини қўлга киритишга муваффақ бўлишди. Чемпионлик унвонига эга бўлган 10 та полвоннинг 5 таси тошкентликдир. Булар — Р. Аъзамов («Буревестник»), К. Мусаев («Динамо»), Э. Ҳайруддинов («Пахтакор»), Н. Трунов («Динамо»), О. Мельников («Буревестник»).

Гиламга чиққан 125 полвоннинг команда беллашувлари «Буревестник» вакиллари фойдасига тугади. Студентлар командаси 54 очко билан биринчи бўлди. Иккинчи ўринни эгаллаган динамочилар ғолибга 20 очко ютқаздилар. «Меҳнат жамияти» эркин курашчилари 29 очко билан учинчи бўлишди.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ПОСЁЛКА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Советларга бўлиб ўтган аввалги сайловлардан бери Оққўрғон районидаги Оққўрғон посёлкаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Халқ депутатлари сайловчиларнинг наказларини бажара бориб, ўтган давр ичида посёлкада 1176 ўқувчига мўлжалланган мактаб, 80 ўринли ошхона, болалар дунёси савдо маркази, нон цехи, ҳаммом, бир нечта турар-жой биноларининг фойдаланишга топширилишида жонбозлик кўрсатишди.

Посёлкада хонадонларни газлаштириш соҳасида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Сайловдан сайловгача бўлган вақт ичида 427 хонадон табиий газ билан таъминланди. Шунингдек, 3,2 километр узунликдаги водопровод қувурлари ўтказилди. Посёлка кўчаларидан 7,5 километр жой асфальтланди, беш километрлик йўлкаларга асфальт ётқизилди.

Посёлка чирой очиб, тобора шаҳар тусини олиб боряпти. Ҳозир сайловчилар депутатликка номзодлар билан учрашувларда посёлкани янада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юзасидан янги наказлар бераётирлар.

АГИТПУНКТЛАРДА КОНЦЕРТЛАР

Пойтахтнинг Йўлдош Охунбобоев номли шаҳар маданият уйи бадиий ҳаваскорларини ҳозирги кунларда тез-тез агитпунктларда учратасиз. Ҳаваскор ижрочилар сайловчиларга ранг-баранг программада концертлар кўрсатмоқдалар.

Сайловчиларга, айниқса, маданият уйининг ўзбек рақс ансамбли концертлари манзур бўляпти. Уларнинг жозибали рақслари олқишлар билан қарши олиняпти.

Ҳозир маданият уйи қошида ўндан ортиқ бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турипти. Бу тўгараклар-нинг дуторчи қизлар ансамбли ва бошқа бадиий ҳаваскорлари ҳам агитпунктларда концертлар кўрсатишяпти.

М. ЗАРИПОВ.

СИЛОВСИН

«ҚИЗИЛ КИТОБ» САҲИФАЛАРИДА

Тошкент областининг фақатгина Чотқол тоғ ўрмонзорларида Туркистон силовсинларини учратиш мумкин. Унинг оёқлари узун, думи эса калта бўлади. Баданининг тузилиши итни эслатиб, катталарининг узунлиги 100 сантиметргача, баландлиги эса 60—65 сантиметргача боради. Қулоғининг юқорисидан эса узун туклар ўсиб чиққан.

Силовсиннинг ранги сариғишқулранг бўлиб, баданини қора доғлар қоплаган. Думининг охири ва қулоғидаги туклар қора. Эркакларининг оғирлиги 23,5, урғочиси 21,5 килограмм бўлади.

Бу ҳайвон ер юзида кенг тарқалган. У Европа, Сибирь, Шимолий Америка ва Марказий Осиёда яшайди. Туркистон силовсини Ўрта Осиёда, Тянь-Шань, Ҳисор-Олой, Копеттоғ ва Помир тоғларида кўп учрайди.

Туркистон силовсини баргли тоғ ўрмонларида 1200—2500 метр баландликда яшаб, ўзига маълум бўлган 2000—2500 гектар майдондан ташқари чиқмайди. Ҳайвон кундузи ғорларга, қоя ёриқларига ва йиқилган дарахтларнинг тагига яшириниб, тунда ов қилади.

Силовсин дарахтларга чиқишга чаққон. Тез югуради. У бошқа мушуксимонлардан, овини бир ҳамлада ушлай олмаслиги, унга етгунча қувиши билан фарқ қилади. Унинг озуқаси қуён ва какликлардир. Камдан-кам кичик қўтослар, буғи ва тоғ эчкиларини овлайди. Баъзида бу йиртқич уй ҳайвонлари бўлмиш қўй ва эчкиларга ҳам ҳужум қилади.

Силовсинларнинг урчиши февраль-май ойларига тўғри келиб, урғочиларининг кетидан 3—4 тадан эркаги юради. Ҳомиладорлик уларда 67—74 кун давом этиб, одатда 2—3, айрим ҳолларда эса 3—4, жуда камдан-кам ҳолларда 6 бош мушукча дунёга келади. Янги туғилганнинг оғирлиги 245—306 граммдир. Мушукчаларнинг кўзи 12 кундан кейин очилади. Улар онасини 85 кун эмишиб, 50 кунлик бўлгандан сўнг эса гўшт истеъмол қилишни бошлайдилар.

Еш силовсин ун ойлик бўлганидан сўнг эркаклари билан овга юради. Шунингдек, улар февраль ойигача ўз оиласида бўлади. Урғочилари 22 ойлик бўлгандан сўнг насл бериши мумкин. Силовсинлар асосан 25 йил умр кўришади.

Уларда учрайдиган энг оғир касалликлардан бири — қутиришдир.

Силовсиннинг ашаддий душмани — бўри. У ўзини таъқиб этувчилардан дарахтларга, баланд қояларга чиқиб қутилади. Бўрсиқ ва тулки ташлаб кетган каваклларга яширинади. Бундан ташқари, у билан коплон ва тулки ракобат қилади. Ерни қалин қор қоплаганда силовсиннинг кенг ва қалин юнгли панжалари тулкига нисбатан қорда юришини енгиллаштиради. Бу унга жуда қўл келади. У ўзининг кичик рақобатчисини таъқиб қилиб, йўқ қилади. Шунинг учун қишда силовсин яшайдиган ерда тулки учрамайди.

Туркистон силовсинининг сони ўтган асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида кескин камайиб кетган.

Масалан, Тошкент областининг Жанубий Қозоғистон ва Жамбул областлари билан чегарадош ерларида 1884 йил 226 бош, 1892 йил 137 бош ва 1905 йилга келиб фақатгина 12 бош бу турдаги ҳайвон аниқланган. 1940—50 йилларда уларнинг сони бир мунча ортди, лекин шунга қарамай силовсин камёбдир. Шунинг учун Туркистон силовсини СССР «Қизил китоби»дан ўрин олган бўлиб, уни овлаш қатъий манъ этилган.

О. БОГДАНОВ,
Тошкент область табиатни муҳофаза қилиш Советининг аъзоси.

Редактор ўринбосари С. МУСАЕВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор — 336495; 325302, редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325743; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик —325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 01792. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б.—1542.